

Ж. ЛАПАСОВ

БАДИЙ МАТН ВА ЛИСОНӢ ТАҲЛИЛ

Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги тасдиқлаган

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1995

Ушбу қўлланма бадиий матнларнинг лисоний таҳлилига бағишланган. Унда олий ўқув юртларининг филология факультетлари ҳамда ўрта мактабларда адабиёт фанлари доирасида лисоний таҳлилнинг зарурлиги ва шу таҳлил турларини ўтказиш усуллари қайд этилади.

Қўлланма олий ўқув юртларининг филология факультети ўқитувчилари, талабалари ҳамда ўрта мактаб она тили ва адабиёти ўқитувчилари учун мўлжалланган.

Maxsus муҳаррир: **Б. Үринбоев**, филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар: **Б. Бафоев**, филология фанлари доктори ва **Ф. Исҳоқов**, филология фанлари номзоди

Шартли қисқартмала:

<i>а.</i> — арабча.	<i>маж.</i> — мажозий.
<i>а.-ф.</i> — арабча-форсча.	<i>н.</i> — немисча.
<i>г.</i> — грекча.	<i>ф.</i> — форсча.
<i>м.</i> — мўғулча.	<i>ф.-а.</i> — форсча-арабча.

Л 4603010000—99
353(04)—95

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1995

ISBN 5—645—02363—3

КИРИШ

Ёш авлодни юксак ахлоқий ва нафосат руҳида тарбиялаш, уларда ғоявий-сиёсий ва илмий дунёқарашни узлуксиз шакллантира бориш республика ҳукуматининг асосий диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Янги одами тарбиялаб вояга етказиш борасида бошқа соҳалар каби ҳалқ таълими олдига ҳам янгидан-янги ва жиддий вазифалар қўйилмоқда. Ёшларни мустаҳкам билим асослари билан қуроллантириш, уларда мустақил фикрлаш қобилиятларини ўстириш, ҳар бир нарсага, атроф-муҳитга ижодий ва онгли ёндашиш кўникмаларини ҳосил қилиш шу куннинг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Янги кишини шакллантиришда ғоявий, ахлоқий, нафосат таъсир кучини ўзида мужассамлаштирган бадиий асарга хос тасвирий воситалар, ўзига хос хусусиятлар ўқувчига тушунарли бўлган тақдирдагина унинг тарбиявий аҳамияти, таъсир кучи тўлиқ намоён бўлади. Бунинг учун эса бадиий асар тилини лисоний таҳлил қилмасдан туриб, кўзланган мақсадга эришиш қийин. Шу тифайли билим ўчоқларида бадиий асарлар тилини таҳлил қилиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этиб, у ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитишда муҳим ва ажралмас тармоқ бўлмоғи керак. Чунки бадиий адабиётни ва адабий тилни ўрганиш бир-бiri билан узвий боғлиқ бўлиб, адабиётнинг биринчи унсури бўлган тилни таҳлил қилмасдан туриб, шу бадиий адабиётнинг ғоявий бойлиги ва бадиий қийматини белгилаш қийин бўлади.

Бадиий асар тилини онгли равиша таҳлил қилиш маълум бир асар мазмунини, унинг ғоявий моҳиятини, ёзувчининг ижодий маҳорати ва ғоявий йўналишини чуқур ўзлаштириш имконини беради, ёшларни ўз билими ни амалда мустақил синааб кўриш малакаларини ҳосил қилиб, маънавий дунёқарашини шакллантиради, турмуш ҳақида, кишилар ва инсоний муносабатлар тўғрисида шахсий мушоҳада юритишга имкон яратади.

Бадиий асарлар тилини таҳлил қилиш ёшларга мус-

таҳкам билим бериш йўлидаги муҳим назарий ва амалий усуллардан саналади. Бадиий асарлар, айниқса, мумтоз асарлар тили таҳлил этилар экан, хоҳ мактабда, хоҳ олий ўқув юртида бўлсин, лисоний таҳлилдан фойдаланиш катта самара беради. Шу асосда бадиий асарлар тилининг таҳлилини мактаб тизимиға ҳам жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки мумтоз асарлар матнига эътибор қаратилса, тушунилиши қийин бўлган ўзга тил унсурлари, ўзбекча эски сўзлар, грамматик шакллар, мураккаб турғун бирикмалар ва фонетик ҳолатларга дуч келинади.

Асосий мақсад ёш авлодни билимли қилиб тарбиялаш экан, биринчи навбатда муайян асарни лисоний жиҳатдан таҳлил этиш талаб этилади.

Кейинги йилларда педагогика олийгоҳларининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида «Бадиий матннинг лисоний таҳлили» фанининг ўқитилиши талабаларнинг умумфилологик савиясини ошириш ва касбий йўналишини кучайтиришда катта хизмат қилмоқда. Бунда бўлғуси ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бадиий асар таҳлили орқали асарнинг ғоявий мағзини, нафосатлилигини, бадиий тасвир воситаларини, жанр хусусиятларини билиб олади.

Мазкур фан умумлашма хусусиятга эга бўлиб, у талабаларнинг тилшунослик, адабиётшуносликдан олган билимларини янги илмий ва услубий босқичга кўтаради. Бунинг учун улар тилнинг тузилиш унсурларини дуруст чегаралай олишлари ва унинг ижтимоий алоқасини ажратишлари лозим.

Ушбу қўлланма «Бадиий матннинг лисоний таҳлили» фани талабларига тўлиқ жавоб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўймай, балки шу фанга тегишли материал бериш ва бадиий ифода таҳлили жараённада адабиёт дарслари билан тил дарсларини маълум даражада боғлашни ҳам вазифа қилиб қўяди.

Бу турдаги ишлар энди яратилаётганлиги учун унда камчиликларнинг бўлиши табиий. Мазкур иш юзасидан билдириладиган барча мулоҳазаларни муаллиф мамнуният билан қабул қиласиди.

— сөзсемдің мәндердескөң көбінде сиң ескермайтынан да, илесінде оның тәсілдерінде да дағындырылады. Болаша Маттинг Лисоний таҳлили қарастырылғанда жаңа да дағындырылады.

МАТННИНГ ЛИСОНИЙ ТАҲЛИЛИ ҲАҚИДА

Матт — нұтқ күріниши бўлиб, вазифаси жиҳатидан тугал нутқий бутунликдир. Ҳар бир матт мураккаб тузилиш ва мазмун мундарижасига эга бўлиб, у оғзаки ҳамда ёзма ижод намунаси ҳисобланади.

Маттлар ўз тузилишига кўра гап, мураккаб синтактика тутунлик, хат боши, параграф, боб, бўлим ва қисмдан ташкил топади. Бу бирликлар матт ҳосил қилишда иштирок этади ва уни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар бир матт маълум бир мазмунни ташийди ва ўз хусусиятига кўра турли хил ахборотларни етказади. Ҳар хил ахборотларни етказишига кўра маттлар бадийи матт, публицистик матт, илмий матт, расмий матт шаклида бўлади.

Тасвирийлик ва ҳиссийлик бадийи маттнинг асосий хусусиятлариданadir. Чунки ёзуви табиий ва ижтимоий борлиққа нисбатан эркин муносабатда бўлиб, шу борлиқнинг моҳиятини очиб кўрсатиш мақсадида тўрли туман луғавий бирликлар, бадий образлар, адабий тилнинг тасвирий воситалари ва нозик қирраларидан тўлиқ фойдаланади.

Бадий матт эпик, лирик ва драматик турга кирувчи асарларда ўз аксини топади.

Публицистик матт кўпроқ матбуот соҳасига оид бўлиб, хабар, мақола, тақриз, репортаж, очерк ва фельетонларда намоён бўлади. Шундан репортаж, очерк ва фельетон ҳам бадий, ҳам публицистик хусусиятларни ўзида мужассамлаштириши билан бошқалардан ажратиб туради.

Публицистик матт ўзининг тил хусусиятлари билан ҳам бадий маттдан фарқ қиласи.

Илмий матт илмий ва илмий-оммабоп маттларга ажратилади.

Илмий маттда гап бўлаклари тартиби адабий тил қоидасига қатъий амал қилган ҳолда қўлланади, лекин унда тил қурилиши мантикий боғлиқлик ва изчилликни талаб этади.

Илмий матнда ҳар бир фан соҳасига оид атамаларнинг қўлланилиши характерли хусусият ҳисобланади. Масалан, тилшуносликка оид илмий ишларда лингвистикага хос атамалар кўплаб қўлланилади. Бундай ҳолатни бошқа соҳаларга тааллуқли ишларда ҳам яққол кўриш мумкин.

Илмий-оммабоп матнларда атамалар тизмасидан, илмий баёнчиликдан қочилади, баён этилаётган фикрнинг барчага баравар тушунилишини таъминлаш мақсадида тушунилиши қийин бўлган атамалар мураккаб тушунчалар ўрнига аниқ ва батафсил тасвиirlардан фойдаланилади.

Расмий матнлар қўйидагилар: давлатларнинг дипломатик ноталари, ҳукумат қарорлари, кўрсатмалар, буйруқлар, шартномалар, расмий эълонлар, шунингдек, расмий иш қофозлари: ариза, таржима ҳол, ишонч қофози, тилхат, телеграмма, маълумотнома, тавсифнома, қарор, ҳисобот, хат, эълон кабиладир.

Шу матнларнинг табиати ва тараққиёти икки йўналишда — тарихий ва услубий йўналишда бир-бiri билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Тарихий-услубий йўналишда фақат нутқ воситаларининг таркибигина эмас, балки уларнинг турли матн типларида ишлатилиш қонунияти ҳам ўрганилади.

Матнлар турли даврларда жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ҳар хил бўлиши мумкин.

Матнлар тарихан шаклланган адабий тилнинг турли кўринишлари бўлиб, улар фикрни ифода этиш жараёнида нутқ тузилишининг ўзига хослиги билан фарқланади.

Матнлар тараққиётини адабий жанрлар тараққиётидан ажратган ҳолда қарамаслик керак. Чунки нутқий воситалар таркиби ва уларни қўллаш меъёрлари асар жанри билан алоқадордир. Бадиий матн жанрлар принципи асосида тавсиф қилинади ва улар асарнинг жанр хусусиятига кўра фарқланади. Масалан, адабиётнинг асосий жанрларидан бири бўлган публицистика публицистик услугуб асосида тузилган матн билан иш кўради.

Ҳар бир матннинг тараққиёти ва унинг бошқа матнлардан фарқли томонларини аниқлаш учун даставвал адабий тилдаги мавжуд услугуб турларини ва уларнинг вазифа доирасини белгилаш зарур бўлади.

Адабий тил тараққиётининг турли даврларида адабий услубларнинг қўлланиши мавқеи ўзгариб боради.

Масалан, асримизнинг 20- йилларида қадар ўзбек адабиётида шеърий услугуб биринчи ўринда бўлиб келган бўлса, ҳозирги кунда насрий услугуб асосий ўринга кўтарилимоқда. Бу нарса матн тузилишида етакчи омилдир.

Матнлар учун умумий хусусиятлар нималар ва уларнинг бир-биридан фарқли томонлари нимада?

Умум қўллайдиган сўзлар турли матнларда турлича маънода келади. Масалан, «руҳ» сўзининг асосий ва умумий маъноси бор. Бадиий матнда кайфият (*Сафаров одамларнинг авзойига зеҳн солди: одамларнинг руҳи тетик*), бардамлик, тетиклик (*Отабек сунбул исли сочлардан руҳ олар, Кумуш гўё унинг бағрига сингиб кетган эди*) каби маъноларни билдирса, публицистик матнда эса бошқа маъно касб этади: *мақола руҳи, замон руҳи, яъни ғоявий йўналиш маъносидан* келади. Илмий-фалсафий матнда руҳ сўзи юқори даражада уюшган материяниң маҳсули деб қаралувчи онг маъносини англатади: *Материя руҳнинг маҳсули эмас, балки руҳнинг ўзи материянинг олий маҳсулидир*. Идеалистик фалсафада киши ҳаётида у билан бирга, киши вафотидан кейин эса, тандан чиқиб, абадий яшайдиган ғайри-табиий асос, арвоҳ маъносини ифодалайди.

Бундан ташқари, матнлар бир-биридан ўзига хос лексикаси ва фразеологияси билан ҳам фарқланади. Масалан, публицистик матнда *совуқ уруш, хотин-қизлар масаласи, Яқин Шарқ масаласи, мустақиллик шарофати* каби иборалар кўп ишлатилади. Булар типик публицистик фразеология бўлиб, ижтимоий-публицистик маънода қўлланилган.

Матнлар бир-биридан сўз ва атамашуносликдан фойдаланиш усуллари ва тузилиши жиҳатидан бадиий тўқима, ҳар хил гап қурилишларини ишлатиш билан фарқ қиласиди.

Нутқнинг ифода мақсадига ва мазмунига ҳамда экспрессивлигига кўра матнлар турли хил бўлади. Матнларнинг турли хил бўлиши унга таъсир қилувчи лексик воситаларга боғлиқдир. Улар тантанали сўзлар, бетараф сўзлар, бетакаллуф сўзлар, қўйол сўзлардан иборат бўлади. Биз бу сўзлар воситасида атрофимиздаги предметлар ва воқеа-ҳодисаларни, уларнинг хусусиятларини, белгиларини, ҳолатларини бутун нозиклиги, ўзига хослиги билан англаш учун матн тузамиз. Буни мисоллар орқали қўйидагича кўрсатиш мумкин: *юз, бет,*

афт, башара, чөхра, жамол, дийдор, ораз, узор, рухсор. Бу сўзлардан бет сўзи қўлланиши билан юз сўзига жуда яқин бўлиб, юз нисбатан салбий оттенкага эга. *Афт* сўзи бет сўзига нисбатан салбий оттенкага эга. *Башара* сўзида салбий оттенка *афт* сўзидағига нисбатан ҳам кучли. *Чөхра* ижобий оттенкага эга. *Жамол* сўзида ижобий оттенка *чөхра* сўзидағига нисбатан ҳам кучли бўлиб, бу сўз асосан поэтик стилга хос¹.

Матнлар алоқаси, биринчи навбатда, назмий матнларга хос услугбий воситаларнинг насрий матнларда қўлланишида кўринади. Айниқса, кейинги йилларда яратилган насрий асарларда назмий услугбунинг таъсири (масалан, инверсия) аниқ кўринмоқда. Яна бунинг устига ҳозирги қундаги етакчи ёзувчиларимиз насрда ҳам, назмда ҳам, драматургияда ҳам қалам тебратмоқдадар.

Публицистик матн учун ижтимоий-публицистик лексика айнан хосдир. Бу лексика назмий асарда бошқача, насрий асарда бошқача жаранглайди.

Бадиий матнда илмий атамалардан фойдаланиш ҳоллари ҳам мавжуд бўлади. Бу ўз навбатида матнларнинг ўзаро алоқасини таъминлайди. Масалан, А. Мухторнинг «Туғилиш» романи, П. Қодировнинг «Қадрим» асарида техникага доир атамалар кўп қўлланган.

Хуллас, матнда умумхалқ тилининг муҳим ютуқлари умумлашгандир. Ана шу хусусиятларни ҳисобга олиб матнни филологик йўналишда ўрганиш лозим бўлади.

Матн тилшунослик, адабиётшунослик, умуман филология фанининг текшириш обьекти саналади. Бундан ташқари, ўқиш ва ўқитишини яхшилашда бошқа фанларга оид атамалар ўқувчи ва талабаларга лисоний таҳлил услуби асосида изоҳлаб тушунирилса, яхши самара беради.

Бирор матн тилшунослик фани нуқтаи назаридан текширилар экан, бирор адабий тил категориялари—лексик, фонетик, морфологик ва синтактик бирликлардан қай даражада фойдаланганларни нуқтаи назаридан ўрганилади.

Адабиётшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилганда эса шу матнга хос жанр хусусиятлар, шакл ва мазмун, сюжет ва композиция, услуб ва услугбий восита-

¹ Ҳожиев А. Узбек тили синонимларининг изоҳли лугати. Тошкент, 1974, 234-бет.

лардан фойдаланган ҳолда матнда давр руҳини образлар ва тил шакллари воситасида қандай акс эттирилгани таҳлил қилинади.

МАТНШУНОСЛИК, ПАЛЕОГРАФИЯ ВА МАТН ТАҲЛИЛИ

Матн таҳлили матншунослик ва палеографик йўналишда ҳам олиб борилади.

Матншуносликда адабиёт ва фольклорга оид асарлар, тарихий ҳужжатлар матни танқидий ўрганилиб, матний тадқиқотлар олиб борилади ва шу асосда матннинг муаллиф қаламига мансуб варианти аниқлаб чиқлади. Шу жараёнда бирор тарихий асарнинг бир қанча вариантлари ўзаро қиёсланиб, шу асар матнига котиблар (китоб кўчирувчилар) ва ноширлар (китоб чиқарувчилар) томонидан киритилган қўшимчалар ва муаллиф қаламига мансуб бўлмаган тузатишлар, қўшимчалар аниқланиб, чиқариб ташланади ва шу тарзда асарнинг илмий-танқидий матни тузилади.

Палеографияда эса ёзув тарихи, унинг график шаклларининг тарихий тараққиёти, ҳарф, ёзув шакллари (тугун ёзуви, пўстин ёзуви, пиктография, логография, идеография, иероглифлар) тараққиёти тарихий-филологик асосда ўрганилади.

Палеография ўз навбатида эпиграфика (тош, ёғоч, сопол, металл кабиларда сақланган ёзувлар), сферистика (муҳрлардаги ёзувлар), нумизматика (танталарга босилган ёзувлар) каби соҳаларига эга бўлиб, улар ҳам лисоний таҳлилнинг ўрганиш доирасига киради.

ТИЛ ИФОДА ВОСИТАЛАРИНИНГ МАТН ТУЗИЛИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

Тилнинг ифода воситаларини, нутқни юзага келтирувчи сўз, сўз шакллари, сўз бирикмалари ва гаптурлари матнни шакллантиришда асосий мезон саналади.

Сўз объектив борлиқдаги мавжудот, ҳодиса, тушунча, уларнинг белги хоссаларини англатувчи тил унсурлари, морфемалар ва бўғинлар йиғиндицидир. Ҳар қандай сўз товуш ва маъно томонига эга бўлиб, у бир ёки бир неча товуш йиғиндицидан иборат бўлади ва шу товушлар ёрдамида маълум шаклда талафуз этий

лади. Масалан, *Э, сизмидингиз?* мисоли икки сўздан ташкил топган: «Э» ундов сўзи бир товушдан, иккинчи «сизмидингиз» сўзи ўн товушдан тузилган.

Сўз кўриниши унинг муайян грамматик шакли бўлиб, унга бирор қўшимча қўшиш ёрдамида бошқа шаклдаги сўз ҳосил қилиш мумкин. *Иш, сув* сўзларига -чи аффикси қўшилса, янги маъноли лексик шакл юзага келади, шу сўзларга келишик қўшимчалари қўшилганда эса грамматик шакл юзага келади.

Сўз бирикмалари эса икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг семантик-грамматик бирикувидан юзага чиқади ва гап ҳосил қилиш учун хизмат қиласди. Масалан, *Иигит сўл ёқдаги чойхонанинг каравотига ўтириди* (*Ойбек*). Бу гапда учта сўз бирикмаси бўлиб, улар қўйидагича: *йигит ўтириди, сўл ёқдаги каравотига ўтириди, чойхонанинг каравотига ўтириди*.

Гаплар матн ҳосил қилишда фаол иштирок этади ва ифода мақсадига кўра тўрт хил тасниф килинади:

- 1) дарак гаплар: *Акам келди. Ўқииш бошланди.*
- 2) сўроқ гаплар: *Акам келди? Ўқииш бошланди?*
- 3) ундов гаплар: *Акам келди! Ўқииш бошланди!*
- 4) буйруқ гаплар: *Акам келсин. Ўқиишни бошла.*

Гапнинг бу тўрлари ўзаро оҳанг жиҳатидан фарқланади.

БАДИЙ НУТҚНИНГ ТУРЛАРИ

Бадий нутқ матннинг мазмунини рўёбга чиқарувчи, моҳиятини тингловчига етказувчи воситадир.

Бадий нутқ ички ва ташқи, оғзаки ва ёзма, диалогик ва монологик нутқларга бўлинади.

Ички нутқнинг аҳамияти шундаки, у оғзаки ва ёзма нуткнинг асоси сифатида ўзига хос мўҳим ўрин тутади ва баъзан у нофаол нутқ ҳам деб юритилади. Ички нутқнинг нофаоллиги шундаки, у ўз-ўзига қаратилган бўлади ва иккинчи қишининг қатнашиши шарт эмас. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» қиссасидаги Сайданинг Қаландаров билан бўлган тўқнашувидан кейинги ўй-хаёли, фикрий нутқи бунга далилдир. «...худди бирор йўлини тўғсандай, бирдан тўхтади: «Хўш, нима гап ўзи,— деди ўзича,— нимага келаётиман, каравотга ўзимни ташлаб йиғлаганими? Кўз ёши ё кўнглидаги ғам-ғуссанинг дамини кесиш, ё бераҳмнинг раҳмини келтириш учун тўкилади, менинг кўнглимда қана-

қа ғүссә бор, йиғлаб кимнинг раҳмини келтироқчи-
ман? Раис мени чертган бўлса, мендан шапалоқ еган-
дай бўлди, мени енгмоқчи бўлиб ўзи енгилди. Унинг
сўз тополмай қўл кўтаргани — кучи шляпага етгани шу-
ни кўрсатмайдими?»

Ёки шу асардаги Қаландаровнинг Саида ҳақидаги
ўзича қилган фикри ҳам нофаол нутқа яққол мисолдир:
... Қаландаров хийла вақтгача ухламай ўйлаб ётди:
«Бу қиз кўнглида кек сақлайдиган, ундан ҳам ёмонро-
ғи — шунақа ишлар қўлидан келадиган экан-да. Ле-
кин, шунча ишни қилиб қўйиб станцияда тухумдан ян-
ги чиққан оппоққина, беозор жўжадай чурқуллаганига
қойил қолиш керак. Ё алҳазар, жиндаккина жуссасига
шунча айёргик, шунча макр-ҳийла сифса-я. Бошқа ҳеч
ишда бўлмаса ҳам айёрикда чиндан ҳам осмонни кў-
таргулик чоғи бор-ку...».

Ташқи нутқ фаол фикрлаш ва мушоҳада этишни
талаб этади. Нутқнинг бу тури оғзаки ва ёзма шакл-
ларда амалга оширилади.

Товушли сўзлашув жараёни сөзаки нутқ бўлиб, у
диалог ва монолог шаклида намоён бўлади.

Диалог. Бадий матнга хос нутқий шакллардан
бўлган диалог нутқ тузилишининг асосий кўринишлари-
дан бўлиб, ижтимоий нутқий алоқаларнинг табиий
шаклларидан ҳисобланади.

Диалогик нутқ бирдан ортиқ шахснинг эркин сўз-
лашуви жараёнига киради. Бунга мисол тариқасида
Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги
Хисрав ва Фарҳод диалогини келтириш мумкин. Унда
нутқий вазият динамик тарзда ривожланиб боради.

Деди: қайдин сен, эй мажнуни гумроҳ?

Деди: мажнун ватандин қайдга огоҳ.

Деди: недур сенга оламда пеша?

Деди: ишқ ичра мажнунлық ҳамеша.

Деди: бу ишқдин ўлмас касб рўзи,

Деди: касб ўлса басдур ишқ сўзи.

Дедиким: ишқ ўтидин де фасона.

Деди: куймай киши топлас нишона...

Монолог. Бадий матннинг узвий қисмларидан бири
бўлган монолог асар иштирокчисининг суҳбатдошига,
ўзига, баъзан томошабинга қаратса айтган сўзи, нутқи
бўлиб, у кўпроқ драматик асарларда учрайди ва ички

ҳамда очиқ нутқ кўринишиларига эга бўлади. Монологнинг бу икки кўринишини М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» драмасида кўплаб учратиш мумкин.

Шу асарнинг 3- парда 2- кўринишидаги Улуғбекнинг ўз-ўзига хаёлан айтган монологи ички нутқ намунаси-дир:

Улуғбек

(чукур хаёлга ботиб)

Кўп ғалати замонда яшар эканман.

*Қалбимдаги ҳароратни инсонга бериб,
Эвазига олмоқдаман совуқ ғаразлар,
Мен отамга, жаннатмакон Шоҳруҳ Мирзога
Камарбаста ўғил бўлдим қирқ йил муттасил.*

Аммо шуни ўғиллардан кўрмадим, ҳайҳот.

Абдулазиз фикри заиф, жисми ногирон.

Абдулатиф-жисман тетик, хулқи хатарли.

Бу-ку майли, Оналарнинг икром-иззатин—

Умр бўйи талқин әтдим аҳли ватанга.

Ўз онамга эҳтиромим эвазига мен

*Не эшидим? Зуғум билан таъна, аразлар,
Бу ҳам майли. Фирузанинг шаъннига тийбат.*

Ёки унинг бирон айби бормикан бунда.

*Ёки осмон китобини варақлаб очиб,
Сирларини ўрганмоқчи бўлганим учун*

Фалак мендан қасос олиш пайига тушган.

Йўқ, тушмагин васвасага Мирзо Улуғбек.

Шубҳа—бошқа, дадил—бошқа, хулоса—бошқа.

Васвасалар шайтонга хос, умид — инсонга...

Асарнинг 2- парда биринчи кўринишидаги Улуғбекнинг халойиқа қаратса сўзлаган монологи очиқ нутқ ёки ташқи нутқ намунаси-дир:

Улуғбек

Ассалом, эй Самарқанднинг вафодор ҳалқи!

Сенга зафар ва осойиш келтирдим алъон.

Мамлакатнинг тепасига тушганда хатар,

Султонларнинг боши бундан оғрийди баттар.

Давлатимиз танасини ғажиб йиртмоқчи

Шақалларнинг галасини тўзғитиб келдик,

Бир қанчаси ҳалок бўлди, анчаси асир,

Ёғиларга минбаъд бўлур шу ибрат — таъзир,

Биз Сайхунда қайта тикдик тинчлик туғини.

*Самарқанднинг таъзимида Тошкент бир ини,
Қисматларнинг энг оғири султон қисмати,
Элни боқиб, чўпон бўлмоқ унинг хизмати.
Салтанатда лозим эрур шундай бир усул:
Марғилонда товуқ йитса, шоҳ бўлсин масбул.*

РЕМАРКА ВА РЕПЛИКА

Ремарка драматик асарлар тилига хос бўлиб, муаллиф томонидан бериладиган изоҳлар саналади ва бу изоҳлар асарни саҳнага қўювчи режиссёrlарга, актёрларга ва китобхонларга қаратилган бўлади.

Ремаркада муаллиф томонидан уч хил вазият акс эттирилади:

а) қаҳрамонларнинг ташқи қиёфаси, ёши, хулқи, касби,

б) ҳар бир кўринишда юз берувчи воқеа-ҳодисаларнинг амалга ошган даври, саҳна манзараси;

в) диалогик нутқ жараёнида қаҳрамонларнинг ўзини тутиши, нутқдан ташқари барча хатти-ҳаракатлар, сўзловчининг нутқи вақтидаги ҳолати ҳақида изоҳлар.

Қаҳрамонларнинг ташқи қиёфаси, ёши, хулқи, касбига оид муаллиф томонидан берилган ремарка:

Мирзаҳамдамбой. Ўрта бўйли, мошибиринч соқол, қизил юзли, ўртacha кийинган, 55 ёшда, зўр давлатлик бўлса ҳам, илм-маърифатдан йироқ киши.

Абдиқодирбой. Мирзаҳамдамбойнинг ошинаси... узун бўйли, қорасоқол, расмий кийинган.

Маҳмудхон. Хипча бўйли, хушмўйлаб, соқолсиз, сочлик, кўзида ойнак бор, бутун оврупocha кийинган... Мирзаҳамдамбойнинг ёлғуз ўғли, 18 ёшдадур.

Марям хоним. ...Маҳмудхоннинг ҳақиқий ошиқидур. Ўзи ҳуснли, 17 ёшда бўлиб, бир фақиргина косибнинг қизи.

Эшон. Узун тўн ва катта саллали бир қишлоқ эшони.

Сора. Марямхоннинг онаси. 35 ёшда бўлиб, жоҳила бир хотундур (Ҳамза. «Заҳарли ҳаёт»).

Саҳна кўринишига оид ремаркалар қўйидагича: **Маҳмудхон** ҳужраси, оврупocha зийнатланган бир ҳужра бўлиб, бир тарафда — ишкоф ичида китоблар, хариталар, рамкада картиналар. Бир тарафда — темир кароват, бир тарафда — бир дона стол, уч-тўрт дона табуретка, бир деворий соат шаклида парда очилур (Ҳамза. «Заҳарли ҳаёт»).

Асар қаҳрамонларининг нутқ жараёнидаги хатти-харакати, ўзини тутишига оид ремарка қўйидагича:

Эшон (*ғазаб билан қўлидан ушлаб, тортиб*). Кир яхшиликча!

Марямхоним (*қўлин тишлаб ажратиб, итариб юбориб*). Дод золимдан! (*Қочар*)

Эшон (*бир йиқилиб туриб, орқасидан қичқириб*). Тўхта, малъун, бадбаҳт, тўхта! (*Қувиб чиқиб кетар.*) (*Ҳамза. «Заҳарли ҳаёт»*)

Асардан келтирилган парчалардаги қавс ичида берилган «ғазаб билан қўлидан ушлаб, тортиб», «қўлин тишлаб ажратиб, итариб юбориб», «қочар», «бир йиқилиб туриб, орқасидан қичқириб», «қувиб чиқиб кетар» сўз ва сўз бирикмалари ремаркадир.

Реплика ҳам саҳна асарларида жуда кўп учрайдиган ҳолат бўлиб, шу асардаги бир қаҳрамоннинг ундағи бошқа бир қаҳрамон нутқига қисқа жавоби — лукма беришидир.

Бой. Жим бадбаҳт!

Холмат. Ёлғон гапирманг!

Кози. Ўзинг ёлғон гапирасан!

Холмат. Фоғирда гуноҳ йўқ!

Қодирқул. Жим бўл, ит!

Холмат. Жим бўлмайман! (*Ҳамза. «Бой ила хизматчи»*)

ТАСВИРИЙ ВОСИТАЛАР БАДИЙ МАТНИИ ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ АСОСИЙ ВОСИТА СИФАТИДА

Бадиий матнда қўлланувчи барча сўзлар тасвирий воситалар деб юритилади. Ана шу сўзлар ёрдамида адиллар асар мазмуни ва ғоясини китобхонга етказадилар, уларда шу тасвирланаётган воқеа-ҳодисага шахсий муносабат уйғотадилар.

Бадиий матнни ҳосил қилювчи воситалар икки хил бўлади: 1) лексик воситалар, 2) экспрессив-стилистик воситалар.

Лексик воситалар

Лексик воситалар, яъни лексик қатламлар бадиий матнни ҳосил қилишда фаол иштирок этади. Улар бетараф сўзлар, архаизм, неологизм, диалектизм, варваризм, вульгаризм сингари сўзлардир.

Бетараф сўзлар ҳам тарихан, ҳам ҳозирги ўзбек ти-

лида бир хил истеъмолда бўлиб келаётган сўзлардир. Бундай сўзларнинг бетарафлик хусусияти аксарият ҳолатда матн ичидаги реаллашади. Масалан, «кўкрак» сўзи «кўкс», «сийна», «бағир», «оғуш», қучоқ», «қўйин» сўзларига нисбатан бетараф ҳисобланади. Чунки кейинги сўзлар поэтик нутққа хосдир:

*Тўлишарми ўлкада баҳор,
Қуёш кезар осмон кўксида.*

(Зулфия. «Ўғлим, сира бўлмайди уруш»)

Шеърдаги «кўксида» шакли ўрнида «кўкрагида» қўллансан, бўғин ва туроқнинг бузилишидан қатъи назар мисра мазмуни қуруқ баёнга айланиб қолади. «Сийна», «бағир» «оғуш», «қучоқ», «қўйин» сўзлари алмаштириб қўлланганда эса поэтик баён анча сақланади.

«Пахта», «қундуз» сўзлари алоҳида олинганда бетараф сўзлар ҳисобланади: *Пахта терилди. Қундуз номли ҳайвон сувда яшайди*. Аммо «Пахтадек оптоқ юзлар, қундуздек қора кўзлар» дейилганда, «пахта» ва «қундуз» сўзлари ўз бетарафлигини йўқотиб, образли тасвир касб этади.

Архаизм грекча сўз бўлиб, қадим, қадимги деган маъноларни билдиради. Улар ҳозирги умумхалқ тилида ишлатилмайдиган ва эскириб қолган сўз ҳамда иборалардир. Қилич, дубулға, совут, сипар, қалқон, найза, камон, ҳоқон, подшо, амир, хон, бек, улус каби қатор сўзлар ҳозирги ўзбек адабий тилига нисбатан архаик сўзлар саналади. Аммо бадиий матнларда қаҳрамон тилини типиклаштириш, тасвирланаётган воқеа рўй берган жой ва тарихий воқеликка мос ифодалар ишлатиш талаб этилганда адиблар архаик сўз ва ибораларга муружаат этадилар: *Сафар амлокдор билан сўзлашини туғатиб, мирзага қараб*:

— Тарака хатини ўқиб буларга эшилтиринг, мирзам,— деди (Айний. «Қуллар»).

Бу мисолда ёзувчи давр руҳини бўрттириш мақсадида «амлокдор», «мирза», «тарака хати» сингари архаик сўзлар ва иборалардан унумли фойдаланган.

Неологизм грекча бўлиб, янги сўз деган маънони ифодалайди. Бундай сўзлар фан, маданият, техника, саноат, қишлоқ хўжалиги ва шу сингари соҳаларнинг тўхтовсиз ривожлана бориши натижасида вужудга келган турли-туман янги ибора ва тушунчаларни акс эттиради.

Бадий адабиётда неологизмлар ички ва ташқи омиллар ёрдамида юзага келади.

Ички омиллар сўзларни кўпроқ калькалаш (айнан таржима қилиш) ёрдамида вужудга келтирилади: *тэмир йўл* (железная дорога), *болалар боғчаси* (детский сад), *дам олиши уйи* (дом отдыха), *туғруқхона* (родильный дом), *қўйши маҗлис* (объединенное собрание) кабилар.

Ташқи омиллар рус тили ва у орқали бошқа тиллардан кириб келган русча-байналмилал сўзлар воситасида юзага келади: *институт*, *студент* (лотинча), *аудитория*, *космос*, *космонавт*, *телефон*, *телеграф* (грекча), *самолёт*, *самовар*, *паровоз*, *пароход* (русча).

Бадий матнлар кўздан кечирилар экан, ўзбек тилида неологизмлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейин пайдо бўла бошлаганлигини кўрамиз. Муқимий ва Фурқат ижодида *печат*, *фабрикант*, *печ*, *контор*, *заколот*, *купес*, *зовут*, *шапка*, *гимназия*, *телеGRAM*, *виставка*, *газета*, *мошина*, *лампа*, *театр*, *закун*, *дума* каби русча-байналмилал сўзлар тез-тез учрайди:

*Совуқ қайди экан, ороми жон **печ**,
Дегайким баъзи нодонлар: ёмон **печ**.*

(Муқимий. «Таърифи печ»)

*Қилиб таклиф бир зоти кироми,
Кириб гимназия кўрдук тамоми...
Кириб алқисса ҳикматхона ичра,
Ҳама илмини кўрдук телегроми.*

(Фурқат. «Гимназия»)

Диалектизм грекча бўлиб, шевага хос сўз демакдир. Бундай сўзлар фонетик ва семантик жиҳатдан адабий тилдаги сўзлардан кескин фарқ қиласиди ва бадий матнда кўпроқ қаҳрамонлар характерини очиб бериш мақсадида қўлланади.

Матндаги диалектизмлар таҳлил қилинганда, унда диалектал сўзларнинг қўлланиши, муаллифнинг қаҳрамон нутқини типиклаштириш борасида шева материаларидан фойдаланиш маҳорати назарда тутилади.

Абдулла Қодирий «Меҳробдан чаён» романида Сафар бўзчи образидаги соддалик, авомликни бўрттириб кўрсатиш мақсадида унинг нутқида диалектизмлардан унумли фойдаланган:

— Ашу ерга қоғонда чалғибсан, Самад,— деди Сафар бўзчи.

Бу мисолда «ана шу» олмоши «ашу» ва «қолган» сифатдоши «қоғон» шаклида қўлланган.

Яна асарда « билан » кўмакчиси « минан » шаклида ишлатилган:

— Замонанинг зайди минан. ... ўрдага киршиб қоғон-да...

— Чўзма кекирдагингни, буқоқ,— деди,— қани қўйиб бер-чи тақсиригни, ёқалашибинчи мен минан.

Бу ҳолат асарда барча ўринда изчил эмас.

Баъзан эса муаллиф нутқига хос бўлган матнларда ҳам диалектал сўзлар учраб туради. Бундай диалектал сўзларнинг ўқитувчи томонидан изоҳланиши талаб этилади.

Faafur Fуломнинг «Кўкан» поэмасида муаллиф нутқига оид диалектизмлар кўпроқ учрайди:

Майдон шиға кўтардилар, ўрта овлоқ,
Қора читдан адаб тутган қизил байроқ.
Хирмондаги муром қарзга етмагувси,
Бу йилги қиши хархашасиз ўтмагувси.

Бу мисралардаги «шиға» сўзи зич, лиқ тўла, ғуж-ғуж, «муюм» сўзи буюм маъноларида келган бўлса, шу асардан келтирилган қуйидаги байтда «же» сўзи ейши, емоқ маъносида қўлланилган:

Бир неча ой уннаб бўлган тракторчи,
Овқат-озиқ керакдан мўл: «сен же — мен же.»

Шунингдек, мазкур асарда адабий тилдаги «қилибди», «олибди», «бўлибди» феъллари «қипти», «опти», «бўпти» шаклида ҳам қўлланган:

Сўтак Кўкан ёшлигида билмай қувлик
Шариф бойга бориб қипти бир жуфт қуллуқ...
Дўст-душимандан қарз кўтариб уч-тўрт
Червон,
Ер пишитиб, марза оғти сўтак деҳқон...
Кўкан ахир уч червонга бўғти рози.

Шунингдек, баъзан бадиий матнларда қаҳрамонлар характерини типиклаштириш мақсадида улар нутқида бошқа тил унсурларини қўллаш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Муқимийнинг «Московчи бой таърифида» шеърида тоҷикча ва русча сўзлар қўлланилган:

*Сароеки, ў бошадаиш, зинҳор
Даронжо марав, мемури, эй табор...
Топиб мардикорини:— «Сейчас юринг,
Пажолиста,— дер эрди,— эмди туриңг.*

Бундай ҳолатни кейинги давр адиблари ижодида ҳам уратиш мумкин. Бунга мисол сифатида Ойбекнинг «Қүёш қораймас» романидаги Бектемир нутқини келтириш мумкин. Бектемир уруш бўлиб ўтган майдонда онасидан ажралган кичкина Зинага дейди:

— Қўрқма, папангга борамиз. Биламан, папанг яхши. У сенга қанд беради. Қанд, ах-ах, исладки...

Вульгаризм лотинча *дағал* деган маънодан олинган бўлиб, улар адабий тилда ишлатилмайдиган қўпол сўзлардир.

Бадиий адабиётларда айрим қаҳрамонларнинг қўполнлиги ва маданиятсизлигини бўрттириб қўрсатиш ва шу асосда қаҳрамон сажиясини китобхон кўз олдида яққол гавдалантириш мақсадида баъзан персонаж нутқида вульгар сўзлар ишлатилади:

Бой. *Бир минг етти юз сўм ҳам пул бўлдими? Узарсан. Үзолмасанг, яна беш-ён йил ишилаб берарсан. У эмас, бу эмас, хотинлик бўлиб қолганингга шукур қиласангчи, ба чагар* (Ҳамза. «Бой ила хизматчи»).

Ёки:

Бой. *(ғазаб билан кириб). Ҳой ит. Нечун шариатпеноҳларни ҳақорат қилдинг* (Ҳамза. «Бой ила хизматчи»).

Уйғун «Назир отанинг ғазаби» шеърида пахта учун жон койитувчи, кекса бўлса-да юрагида ғайрати жўш урувчи Назир ота нутқида бемаҳал ёмғир келтирган булатга нисбатан ҳам вульгар сўз қўлланган:

*«Тавба...
Бу ла ҷа ти, асти нима қилади?
Қани энди... бўға бошлисан.
Иложи бўлса-ю ла ҷа тини
Тилка-тилка қилиб ташласам...»*

Мирзакаримбойнинг Иўлчига қарата айтган гапида ҳам вульгар сўз ишлатилган:

— Сенга бу тилни қайси қизталоқ берди (Ойбек. «Қутлуғ қон»).

Услубий воситалар

Услубий воситалар ёки қатламлар ҳам бадиий матн

ларда тасвирий воситаларни юзага чиқаришда фаол қўлланади. Ўнинг бадий матнларда ишлатилиши доираси бўлиб, бадий нутқда воқеа-ҳодисаларни образли тасвирлаш, нутқ ифодалилигини ошириш, бирор нарсанинг характеристи, хусусияти ва кўринишини қисқа ҳамда образли ифодалаш учун фойдаланилади.

Тилнинг бундай тасвирий воситалари бадий матнларда икки хил троплар (кўчим) ва фигуралар шаклида учрайди.

Троплар

Ўзбек тилида троплар турли-туман кўринишларга-эга бўлиб, уларда бир нарса белгиси иккинчи нарсага кўчирилади, ўхшатилади. «Адабий асарнинг бадий қимматини, ифодалилигини, экспрессивликни кучайтириш учун бир нарсанинг номини, белгисини иккинчисига кўчириш ёки сўзларни шу мақсадда, умуман, кўчма маънода ишлатишга троплар дейилади»¹.

Бадий матнга янги маъно оттенкали бирикмалар, янги маъно жилолари берувчи тропларнинг турлари қўйидагича:

Метафора — грекча бўлиб, *кўчим, истиора* деган маънони англатади. Метафора қўллаш — сўзлаш, асл маъносини кўчириб, нутқа образлилиқ, эмоция бериш, нарса ва ҳоказолар ўртасидаги умумий ўхшашликка асосланиб, бирини иккинчисига қиёслаш демакдир:

Бой. ...Хе, аттанг! Гулни гулга қўйшмай, гулни сассиқ алафга қўйшиб қўйибман. Ҳа, пишмаган хомкалла! (Пешонасига уруб) *Бу нозанин увол. Чўриликка эмас, бекаликка арзийди-я* (Ҳамза. «Бой ила хизматчи»).

Солиҳбой нутқидаги биринчи ва учинчи «гул» сўзларидан Жамила тушунилса, иккинчи «гул» сўзи орқали бойнинг ўзига ишора қилингапти ва «сассиқ алаф» ибораси орқали эса Фофур назарда тутиляпти.

Қўйидаги келтириладиган Қоратой нутқидаги «қизилгул», «оқ гул» иборасидан Гулнор билан Йўлчи тушунилса, «чақир тиканак» бирикмасидан Мирзакаримбой англашилади:— Сен, оти нима, Гулнорни севасан-а? У ҳам севади. Шундайми?— Мисоли Тоҳир-Зуҳра... Қарабсанки, қизил гул билан оқ гул ўртасидан

¹ Кўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. «Фан» нашиёти. Тошкент, 1977, 13-бет.

Чақири тиканак ўсив чиқяпти. Тушуниб олавер ўзинг!... (Ойбек. «Қутлуғ қон»)

Бадий матнларда инсонлар ва уларнинг характери ҳайвонлар, паррандалар, жониворлар, ҳашаротлар, дарахтлар, ўсимликлар, шунингдек табиий ресурсларга қиёс этилади ва натижада нутққа образлилик, эмоция киритилади:

Нарса номларидан ташкил топган метафоралар: Бизлар юртнинг, тиканими? (Ойбек. «Қутлуғ қон — Қори амаки, бу панжами, паншаха? (Айний. «Судхўрнинг ўлими»)

Аввалги мисолда сўзловчи ўзини тиканга ўхшатса, кейингисида Қори Ишкамбанинг панжаси паншахага қиёсланяпти.

«Латта» сўзи бўшанг, ҳеч бир ишни эплай олмайдиган кишиларга нисбатан қўлланилади. Қуйида Қўчқор нутқида қўлланган бу сўз Акмалнинг бўшанглигига ишорадир:

— Нима бўлди, гаплашдингми Гулчеҳра билан?

— Қанақа гаплашаман? — деди Акмал. — Атрофида парвона бўп қолди-ю аканг Ёдгорбек.

— Э-э, латта — деди Қўчқор (О. Ёқубов. «Эр бошига иш тушса»)

*Зулмат чаҷвонига бегона кўзим,
Олдида сен очдинг ёш, ёруғ дунё.*

(Зулфия. «Юртимни куйлайман»)

Бу байтдаги «зулмат чачвони» иборасидан хотин-қизларни агадий қоронғилик асоратида сақлаган паранжи тушунилади.

«Хасу хашак» сўзи кўчма маъно касб этганда хоккорлик, бечораҳоллик, ғариблик каби маъноларни билдириб келади:

*Балли, Ҳазрат. Кўп йил бўлди, сиз эслайсиз-а!
Биздек хасу хашакларни ёдда тутасиз.*

(Шайхзода. «Мирзо Улуғбек»)

«Кесак» қотиб туришлик, қимиirlамаслик маъносини ифодалайди: — Ёрмат, одаммисан, отамисан! — деб бақирди элликбоши, — ўл, кесак! Елкангга орт қизингни... (Ойбек. «Қутлуғ қон»)

Ҳайвон номларидан ташкил топган метафоралар: «Чўчқа» сўзи ўзбек тилида салбий маънода қўлланади. Шунга кўра Садриддин Айнийнинг «Қуллар» романи-

да маҳаллий феодаллар, амалдорлар чўчқага ўхшатилади. Чунки ёввойи чўчқалар экинзорларни пайхон қилиш ва тумшуқлари билан ковлаб ташлаш хусусиятига эга: ..Булар ёввойи чўчқалар,— деди бир деҳқон,— ҳар бир нарсани ейдилар, бунинг устига босган ерларини абгор қилиб, бузуб ташлайдилар.

«От» сўзи бетараф характерга эга. Унинг ижобий ва салбий маъно касб этиши матнда ойдинлашади. Қуиди раис Қаландаровнинг ташқи қиёфаси «пачоқ от» (ориқ, қирчанғи, суст юрувчи от)га қиёсланса, унинг ички характери «улоқчи от» (чопқир, асов от)га ўхшатилади. Қаландаров нутқига эътибор қилинг: *Сиз болалик қилиб бунақа хом хаёлларга бориб юрманг. Мен ўзим аравадан бошқа ишга ярамайдиган пачоқ от кўринсам ҳам, унча-мунча чавондоз ми-нолмайдиган улоқчи от ман. Унча-мунча одамни ерга чалпак қиласман* (Абдулла Қаҳҳор. «Синчалак»).

Эшак фаросатсизлик; ваҳший ҳайвонлардан шер, арслон кучлилик; ит қопогонлик; кўпрак хушомадгўй, лаганбардорлик; тулки айёрлик рамзи ҳисобланади ва уларнинг атамалари ҳам бадиий адабиётда кўпинча салбий маъно касб этиб, золим бойлар ва уларнинг малайлари характерини очишда фаол иштирок этади:

— *Мени қари эшак фаҳмладингми? Шер бўлсанг, кучингни кўрсат* (Ойбек. «Қутлуғ қон»).

Холмат. Аяжон, ҳозир у ит билан тенг бўлиш қишин! Қаранг, еб ташлайман, деяпти! (Ҳамза. «Бой или хизматчи»)

...Жўмабой бақирган кишини мўлжалга олиб ўқ узди.— *Мана сенга бўлиснинг кўппаги!* (Х. Тўхтабоев «Қасоскорнинг олтин боши»)

Қарға тулкини ўлук гумон айлаб,
Қўнди бошининг устига пойлаб.
Чўқимоқчи бўлиб энди кўзини,
Хийлагар тулки тишлади ўзини.

(Авлоний. «Тулки ила Қарға»)

Қани жангга, жангга чиқинг арслонлар,
Жангга чиқинг, эй азиз қаҳрамонлар.

(Ҳамид Олимжон. «Муқанна»)

«Лайча» сўзи хушомадгўй, искович, бўлар-бўлмасга акилловчи тушунчани билдиради. Бу ибора «Қутлуғ қон»даги Ёрмат образига нисбатан қўлланган: Ҳўжас-

йиннинг лайчаси-ку, бурнини бир қарич күттарганига ҳайронмиз (Ойбек. «Қутлуқ қон»).

Парранда номларидан ташкил топган метафоралар экспрессив маъно ифодалашда бадиий матнларда унумли қўлланади.

Синчалак қуши кичиклиги билан, хўрор эса қичқириши ва даканглиги билан машҳур. Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» қиссасидаги Саида образи жуссасининг кичиклиги билан синчалакка, Қаландаров эса бақироқлиги, ўзига бино қўйғанлиги билан хўрорга нисбат берилади. Қуйида Қаландаров ва Саида диалогига эътибор қилинг:

— ... Синчалак деган қушни биласизми, оёғи индай... Шу қуш «осмон тушиб кетса, ушлаб қоламан», деб оёғини кўтариб ётар экан.

— Дунёда бунақа жониворлар кўп, Арслонбек ака,— деди,— хўрор ҳам «мен қичқирмасам, тонг отмайди» деб ўйлар экан! (Абдулла Қаҳҳор. «Синчалак»)

«Курк товуқ» ибораси бир жойдан қимирламаслик, ҳеч жойга чиқмасдан бир жойда тураверишлик каби маъноларни билдиради. Бу Ҳайдар ота нутқида учрайди: Мен бекорчи такасалтангни сўк. Сўк, мени, курк товуқ дегин (Абдулла Қаҳҳор. «Асрорбобо»).

Кекса товуқ ибораси иш ҳақини талаб қилган Йўлчи нутқида хасис ва золим Мирзакаримбойга нисбатан ишлатилади: Бундан кўра гўнг титганинг яхши эмасми, кекса товуқ» (Ойбек. «Қутлуғ қон»).

Ёрмат нутқидаги «макиён» сўзи қизининг кекса Мирзакаримбойга берилишини эшитиб жаврашга тушган Гулсумбибига қаратилган:— Етмиши яшар чолга ёлғиз қизимни бермоқчи бўлдингизми? Ота бўлмай кетинг, бемаъни!..

— Сўзга қулоқ сол, шаллақи макиён!— Ёрмат кўзларини найзадай қадади.— Етмишда эмас, олтмиш бёшда. Қарими? (Ойбек. «Қутлуғ қон»)

Тўти ўргатилган сўз ёки нутқни айнан, ҳеч ўзгаришсиз такрорловчи қуш сифатида гавдаланади:— Ҳм, сен тўтисан, тўти, деди дадам,— Сен нима ўргатса, шуни такрорлайсан-у, лекин маъносига тушунмайсан! (Айний. «Эски мактаб»)

Қушча, жўжса сўзлари «Қуёш қораймас» романидаги ижобий маънода қўлланиб, жанг майдонидан топилган Зинага нисбатан ишлатилган:

Зина:— Нон бер. Егим келяпти.

• Бектемирнинг юраги эзилиб кетди. Бу қүшча шу топда ундан жон сўраса балки аямасди. Лекин нон қани? (Ойбек. «Қуёш қораймас»)

Тўйпончали аёл... семиз ёш қизга буюрди: Бу жўжани олиб бор, каша бер, лекин озгина. Иссик сув билан чўмилтири, кийимларига қара. Кейин ухлат (Ойбек. «Қуёш қораймас»).

Жонивор ва ҳашарот номларидан ташкил топган метафоралар ҳам кўпинча бадиий матнларда салбий маъно касб этади.

Илон, чаён сўзлари чақиш, заҳар солиши, қалтакесак, эчкиэмар сўзлари эса ранги совуқлик тимсоли сифатида бадиий адабиётда кўчма маънода учрайди.

Салтанат ...Хе, турқинг қурсин, қалтакесакка ўхшамай!

Аломат. ...Нима дединг? ...Ха, оғзигинангдан қонинг келсин, сен э чки э ма рларнинг? (Ш. Бошбеков. «Темир хотин»)

Жамила. Йўқол ҳаммаларинг. Йўқол, номус, юрак ўғрилари, кўзимдан йўқол. Қассоблар, бағри қора қалтакесаклар, илонлар, чаёнлар (Ҳамза. «Бой или хизматчи»).

Мирзакаримбай ва Салимбойваччаларнинг характерларини очища ҳам «илон» ва «чаён» сўзларидан фойдаланилган: Илондай чаён туғилганда (Ойбек. «Қутлуг қон»).

Чигиртка экин кушандаси, очарчилик ва қаҳатчилик тимсолидир. Бу сўз «Қуллар» романида меҳнаткаш деҳқонлар тилидан уларнинг буғдоизорларини отларига егизиб, пайҳон қилиб ўлчаб юрган амалдорлар, амин, оқсоқолларга нисбатан айтилган:

— Ҳақиқатан чиғиртка,— деди Ҳайдар.

— Чигиртка буладан минг марта аҳло,— деди бир деҳқон,— чигиртка тўйганича ейди, аммо ҳосилни синдириб, ер билан яксон қилиб ташламайди (Айний. «Қуллар»).

Табиий омиллардан бўлган сув ҳам кўчма маънода қўлланиши мумкин. Қаландаров табиатидаги жиззалик, танқидга чидамаслик, манманлик, қўрслик, жаҳлдорлик ва бирдан жаҳлдан тушишлик хусусияти райком секретари Носиров нутқи орқали тошқин сувга ўхшатилади: Менинг билишимча, Қаландаров тошқин сув, тегирмонни бузиши ҳам мумкин, юргизиши ҳам мумкин. Қаландаровнинг бутун кучини, гайратини, қобилия-

тини «юргизишга» буриш учун унинг мана шу икки томонини ўрганишимиз, жуда яхши билишимиз зарур (Абдулла Қаҳҳор. «Синчалак»).

Метонимия грекча бўлиб, бошқача ном бериш дега маънени билдиради ва ташқи кўриниши ёки ички хусусиятлари билан бир-бирига алоқаси бўлса-да, лекин бир-бирига ўхшамаган нарсалар белгилари чоғиширилади.

Метонимия мумтоз адабиётда мажоз номи билан юритилади ва икки тушунча ўртасидаги яқинликка асосланган кўчма ифодани англатади.

*Тонг отар чоғида жуда соғиниб,
Бедил ўқир эдим чиқди офтоб.*

(Faafur Fулом. «Соғиниш»)

Раъно Анварга хат ёзиб юборади ва «гапнинг қолганини Фузулийдан ўқирсиз»—дейди (А. Қодирий. «Мехробдан чаён»).

Келтирилган биринчи мисолдаги «Бедил» сўзидан форс-тожик шоири Мирза Бедил тушунилса, кейингисидаги «Фузулий» сўзидан озарбайжон шоири Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий англашилади:

*Аммо шояд Самарқандни мен кўрмасам-да,
Самарқанднинг шаҳри мени албатта кўрар.*

(Шайхзода. «Мирзо Улуғбек»)

Ўз ўғлини наҳот четда қўйса Самарқанд?

(Шайхзода. «Мирзо Улуғбек»)

Аввалги байтдаги «шаҳар» кейинги мисолдаги «Самарқанд» сўзлари халқ, аҳоли маъносида қўлланган бўлса, кейинги байтлардаги «низом», «қўшин», «қасри сulton», давлатхоналиқ», «мадрасалар», «силоҳлар» сўзларидан амалдор кишилар, аскарлар, сарой аҳли, мадрасанинг мударрис ва талabalари, пиёда аскарлар тушунилади:

*Хўш, хирожлар, даромадлар қисқариб кетса,
Низом, қўшин, қасри сulton, давлатхоналиқ,
Мадрасалар, силоҳийлар қандай яшайди?*

(Шайхзода. «Мирзо Улуғбек»)

...раис «Победа»нинг олдига ўзи ўтириб, Умида, Исмоилжон ва Озодани орқасига таклиф қилди (Абдулла Қаҳҳор. «Синчалак»).

Бунда «Победа» сўзидағи аниқланмиш туширилган бўлиб, «Победа» машинаси тушунчаси ўрнида қўлланяпти.

Баъзан жонли нутқда қўлланувчи «зал жонланди» (асли залдаги одамлар жонланди), «Пахтакор» ютди» («Пахтакор» жамоаси аъзолари ютди), «Жаҳон қўзғалди» (жаҳон халқлари қўзғалди) каби иборалар ҳам метонимия бўлиб келади.

Келтириладиган мисолдаги «Болалар уйи паноҳ берди» биримаси, «Болалар уйи тарбиячилари паноҳ берди» маъносида келмоқда:

*Дедим: «Дадажон!»
Мана ийллар ўтди,
Болалар уйи
Паноҳ берди менга,
Берди тарбия.*

(Э. Воҳидов. «Палаткада ёзилган достон»)

Синекдоҳа грекча бўлиб, мажознинг бир тури саналади. Унда бир бутун нарса, ҳодиса ва инсон ҳақида унинг узвий бир қисми, бўлаги ҳақида фикр юритилади ёки бошқача қилиб айтганда, бутун ўрнида қисм ёки қисм ўрнида бутуннинг қўлланишидир.

Ўзбек тилида аксарият ҳолатда бирлик кўплик ўрнида ёки қисм бутун ўрнида келади.

Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидаси бир кишига эмас, балки бутун ўзбек халқига, ўзбекларга қаратилгандир:

*Ўзбегим деб кенг жаҳонга
Не учун мадҳ этмайин!
Ўзлигим билмоққа даврим
Берди имкон, ўзбегим.
Мен буюк юрт ўғлидурман,
Мен башир фарзандиман,
Лекин аввал сенга бўлсам
Содиқ ўғлон, ўзбегим.*

Саида унинг юзига тик қаради.

— Шовқин солманг, атрофда одам бор (Абдула Қаҳҳор. «Синчалак»).

Аскар ўз ерини севади. «Табаррук» дейдилар ўзбеклар (Ойбек. «Қуёш қораймас»).

Бу мисоллардаги «одам», «аскар» сўzlари одамлар, аскарлар маъносини беряпти.

Ҳамзанинг «Ишчилар, уйғон» шеъридаги шоирнинг «сен»и ҳам умумга қаратылган бўлиб, синекдоханинг бир кўринишидир:

*Неча асрлар ухладинг ётиб,
Күмушдек танинг балчиққа ботиб.
Бир парча куйган қора нон учун
Ёшлик чоғингдан ўз кучинг сотиб...*

Эпитет грекча бўлиб, изоҳловчи демакдир. У ўзбек тилида сифатлаш ҳам деб юритилади.

Эпитет поэтик аниқловчи бўлиб, нарса, ҳодиса ёки тушунчанинг бирор хусусияти, белгисини алоҳида баҳолаб кўрсатиш учун ўшандай сўзлар олдидан қўшимча тарзда келтириладиган сўздир.

*Кўсакларнинг очилишида
Сенинг кумуш табассуминг бор.*

(Уйғун. «Колхозчи қизга»)

*Кумуш қишидан, зумрад баҳордан
Қолишимайди кузнинг зийнати.*

(Уйғун. «Куз қўшиқлари»)

Бу байтлардаги «кумуш», «зумрад» сўзлари ўзидан кейин келаётган сўзларга нисбатан эпитет вазифасини бажаряпти.

*Бугун эрта туриб тонгни кўрдим.
Оқ шоҳи рўмоли бошида.
Уфқ кийинтириб, гўзал фалак,
Сочини тараиди қошида...*

(Уйғун. «Тонг»)

Бу мисолда «оқ» сўзи «шоҳи» сўзига нисбатан сифатлаш бўлиб келмоқда. Кейинги мисралардаги «баҳмал» сўзи «гилам»га, «алвон» сўзи «поёндоз»га, «бинафша» сўзи «баҳор»га нисбатан эпитетдир.

*Бунда гулнинг энг асллари,
Баҳмал гилам, алвон поёндоз
Табиатнинг бор фасллари:
Баҳор ва ёз қаршимда пешвоз...
Чўққиларда оташ саратон,
Ёнбағирлар бинафша баҳор.*

(Ҳамид Олимжон. «Чимён эсдаликлари»)

Баъзан сифатлашлар уюшиб келиши мумкин:

*Бўла,
юмшоқ,
семиз,
сероб
сийналарида
Янги давр юрагининг
ўти кўкарган.*

(Ҳамид Олимжон. «Бахтлар водийси»)

Ўхшатиш усули нарса, воқеа, ҳодиса, тушунчани иккинчи бир шу хилдаги умумийликка эга бўлган нарса, воқеа, ҳодиса ва тушунчага қиёслаш, ўхшатма қилиш ёрдамида иш кўради. У мумтоз адабиётда ташбех деб юритилган.

Ўхшатиш уч унсур иштирокида юзага келади: а) ўхшатилган шахс ёки унсур; б) ўхшатиш асоси; в) ўхшатиш воситаси.

*Дедиким, ишқига кўнглунг ўрундор?
Деди: кўнглумда жондек ёшурундор.*

(Навоий. «Фарҳод ва Ширин»)

Бу байтда ўхшатилган тушунча «ишқ», ўхшатиш асоси «жон», ўхшатиш воситаси «дек» қўшимчасидир.

*Шу сабаб эркпарвар башар тонгида,
Қуёшдай порлайди шуҳратинг сенинг.*

(Зулфия. «Юртимни куйлайман»)

Мазкур шеърда ўхшатилган тушунча «шуҳрат», ўхшатиш асоси «қуёш», ўхшатиш воситаси «дай» қўшимчасидир.

Қўйидаги мисолда ўхшатилган тушунчалар «шаҳр», «ташқари» ўхшатиш асоси «дўзах», «равзаи ризвон», ўхшатиш воситаси «киби», «чун» сўзларидир:

*Шаҳр чу дўзах киби зиндан эди,
Ташқари чун равзаи ризвон эди.*

(«Юсуфу Зулайҳо»)

Ўхшатишни ҳосил қилувчи воситалар икки хил бўлади: а) лексик воситалар, б) грамматик воситалар.

Лексик воситалар қўйидаги сўзлар ёрдамида ҳосил қилинади:

1) «янглиғ» ёрдамида:

*Күёш янглиғ бўлуб кундуз қарининг,
Бўлуб тун соя янглиғ ҳамнишининг.*

(Навоий. «Фарҳод ва Ширин»)

2) «каби ёрдамида: Пастда сув тун каби ваҳм, қора бир сукунат билан оқарди (Ойбек. «Қүёш қораймас»). Кўза, қумғон каби сув идишилари, сават ва қути каби мева териши идишилари тайёрланди (Айний. «Қуллар»).

«Каби» кўмакчиси мумтоз адабиётда «киби» шаклида қўлланган:

*Ким ғофил улус киби чекиб ўқ,
Ваҳш этидин ўзни истамак тўқ.*

(Навоий. «Лайли ва Мажнун»)

3) «сингари» ёрдамида:

*Айтинг,
нега менинг онам
түғмадикан илгари,
Миллион-миллион
партизанлар-кўнгиллилар сингари?*

(Faфур Fулом. «Яловбардорликка»)

4) «қадар» ёрдамида:

*Қанча маъсум бўлсанг, қанча вафодор,
«Қордай оқ бўлсанг-у муз қадар тоза»,
Ҳеч замон кор этмас, шум фалак бадкор;
Ўқилур севгингга қора жаноза.*

(Ҳамид Олимжон. «Офелиянинг ўлеми»)

5) «мисол», «мисоллик» ёрдамида:

*Коинот қуёшга бош чўзган мисол,
Барча ирмоқ кирди буюк пойтахтга.*

(Зулфия. «Юртимни куйлайман»)

*Баҳор мисоллигим, гўзал Ватаним,
Гулшаним, гулзорим, боғим, чаманим.*

(Уйғун. «Ватан ҳақида қўшиқ»)

6) «ўҳшаган», «ўҳшаш», «ўҳшар», «ўҳшатиб», «ўҳшаб», «ўҳшайди» ёрдамида: «Бўйстон»га ўҳшашаган колхозлардан ўнтасини битта синчалоғингиз билан кўтарасиз (Абдулла Қаҳҳор. «Синчалак»).

Оҳ, отинг ҳам ўзингга ўхшаш чиройли экан... (Қодирий. «Меҳробдан чаён»).

*Далили равшан ушбуудурки, дермиз:
Ҳукумат қушга ўхшар, илм доми.*

(Фурқат. «Гимназия»)

.... унинг эри, жувоз кундага ўхшаб йилтирамай ўлгур, Исмат почтачи велосипедда хат, газета ташииди (Абдулла Қаҳҳор. «Синчалак»). Ие, колхозимизга келган бу қизнинг ўзи кичкина бўлса ҳам, иши каттага ўхшайди-ку (Абдулла Қаҳҳор. «Синчалак»).

7) «деб», «равишли», «бўлиб», «масоба», «шекиллик» сўzlари ҳам маълум даражада ўхшатишни юзага келтиришда иштирок этади:

*Олма деб отган отам,
Беҳи деб сотган отам.*

(Халқ қўшиғи)

Кишига кулиб қараганда қизил олма осталарида иккни зимма равишилик шакл ҳосил бўлар... эди (Қодирий. «Меҳробдан чаён»).

Шукур сўфи ўрнида бақа бўлиб қолган, имом бўлса, гўё ҳужум қилмоқчидек Самад буқоқни итарар эди (Қодирий. «Меҳробдан чаён»).

*Бўлак одам миниб олтун ароба,
Бўйлур афти Суворовга масоба.*

(Фурқат. «Суворов ҳақида»)

Маҳкам белига сукилган қаламдош шекиллик ҷўпни очиб, унинг ичидағи ўроғлиқ бир хатни олиб карвонбошига... берди (Айний. «Қуллар»).

8) «худди», «гўё» сўzlари ўхшатиш асоси бўлиб келган сўздан олдин келади:

*Қашқа тоғнинг ярқирар қори,
Ён бағирда худди чумоли,—
Ўрмалайман ва борган сари
Очилади бу ҳолнинг фоли...*

(Ҳамид Олимжон. «Чимён эсдаликлари»)

*Лекин бизнинг йигитларда тўхташ йўқ,
Ҳаммаси ҳам отиласи гўё ўқ.*

(Ҳамид Олимжон. «Муқанна»)

Бу ўхшатиш воситалари -дек, -дай қўшимчалари би-

лан оралиқ ҳолатда ҳам құлланади: *У хұдә и отасидек шилади* (Айний. «Куллар»). ... югурганича келиб ҳұжрасининг эшигига қалит солмоқчи бўлганада, *хұдә и бирор йўлини тўсганидай*, бирдан тўхтади (Абдулла Қаҳҳор. «Синчалак»). Гўдакка нима деб жавоб берини билмай, *хұдә и айборлардек бошини қутии солди* (Ойбек. «Қуёш қораймас»). Ёрмат теваракка секин қаради. *Йўлчини кўриб, ...қўлини... силкиди.* Г ў ё «Ҳамма нарса битди!» дегандай... (Ойбек. «Қутлуғ қон»).

9) «монанди», «расми» сўзлари ҳам ўхшатиш асосини кўрсатувчи сўзлардан олдин келади:

*Бориб дехқончиликни қилди анда,
Тириклик айлади мона и банда.*

(Фурқат. «Суворов ҳақида»).

*Юрап эрди бўлуб бир расми одам,
Ўшал қишлоқ халқи бирла боҳам.*

(Фурқат. «Суворов ҳақида»)

10) «ўйла», «бўйла» сўзлари ҳам мумтоз адабиётда, айниқса, Алишер Навоий асарларида ўхшатиш воситаси вазифасини бажариб, «ундай» ва «бундай» сўзларини билдирган маънони ифодалаб келади:

*Чу ул қилди булатдек тоғ уза майл,
Ариғидин сув етиши ўйла ким сайл.*

(Навоий. «Фарҳод ва Ширин»)

*Чун хайлиға қилди бўйла аҳком,
Тушти, доғи қўйди ул тараф гом.*

(Навоий. «Лайли ва Мажнун»)

Грамматик воситалар маҳсус қўшимчалар ёрдамида юзага келади:

1) -дек, -дай, -дақа, -дак қўшимчалари ёрдамида:

Дедиким, ишқиға кўнглунг ўрундор?
Деди: кўнглумда жондек ёшурундор.

(Навоий. «Фарҳод ва Ширин»)

*Минди ёғоч устиға Нажжордек,
Косиби пуркардаи пуркордек.*

(Гулханий. «Зарбулмасал»)

Сиздай раҳбар бўлган жойда биздака одамларни ҳисобдан чиқариб ташласа ҳам бўлади (Абдулла Қаҳ-

ҳор. «Синчалак»). Ё алҳазар, жиндақкина жүссасига шунча айёрлик, шунча макр-хийла сиғса-я (Абдулла Қаҳҳор. «Синчалак»).

2) -ча, -часига, -ларча қўшимчалари ёрдамида: Анвар Раъонинг келишидан хабарсизча ўз ишига қаттиқ берилган эди (Қодирий. «Меҳробдан чаён»). Нигор ойимнинг қозони йўқча, елча гўштни фақат палов шарофати билан кўрар эди (Қодирий. «Меҳробдан чаён»). Бектемир чувалган пайтавасини ечиб, болдиrlарини ишқалаб, қайтадан аскарчасига ихчам ўради. (Ойбек. «Қуёш қораймас»). Гулчехра эркакларча ишламоқда эди (Айний. «Қуллар»).

3) -она қўшимчаси ёрдамида: Абдуллатиф унинг ғойиб бўлганини айтади, маккорона таассуф билдиради (Шайхзода. «Мирзо Улуғбек»).

4) -симон қўшимчаси ёрдамида:

Автоматлар бош узра
Кўтарили туғсимон.

(Э. Воҳидов. «Нидо»)

Самонинг булуғлари сийрак, зангори с и м о н саҳнида ҳали тўлишмаган қандайдир бешакл ой хира, рангсиз йилтириарди. (Ойбек. «Қуёш қораймас»)

5) -намо қўшимчаси ёрдамида:

Бирлари мўлтони н а м о, ҳийлагар,
Бирларидир кунданпиху гавдахар.

(Муқимий. «Танобчилар»)

6) -паймо аффиксоиди орқали:

Дақоийиқ арсасида барқ паймо,
Борисин тавсани фикри хироми.

(Фурқат. «Гимназия»)

Киноя кесатиш, зимдан кулиш деган сўздан олинган бўлиб, у ирония деб ҳам юритилади. Бадиий адабиётда ва, айниқса, жонли сўзлашув нутқида кенг қўлланувчи ирония четдан қараганда жиддий, аслида эса масхараомуз, яъни зимдан кулиш билан кесатиб, пичинг қилиб гапириш демакдир. Бундай пичинг, киноя, қочириқ ва қонқув маъноли гап Фоғир қози, имом ва элликбошлиларга қаратагитган нутқида яққол кўринади:

Фоғир. (Заҳарханда қилиб.) Қози почча, саруполар муборак.

Қози. Қуллуқ, ўғлим, қуллуқ.

Фоғир. (Қозига.) Лекин бой бу чопонни катта отаси ўлганда тобутига ёпган эди, энди сизнинг устингизга ёпибди-да.

Қози. (Асабий.). Нималар дейди беадаб.

Фоғир. Сарупо қуллуқ бўлсин, домла имом!

Ином. (Ўнғайсизланиб). Қуллуқ, қуллуқ. Фоғиржон.

Фоғир. Элликбоши, паранжингиз муборак.

Ҳасан. Паранжи эмас, чопон бу, жинни бўлганми?

Фоғир. Ахир, даллол деганда паранжи бўлади-да, чопонни йигит киши кияди. (Ҳамза. «Бой ила хизматчи»).

Киноя бойнинг катта хотини Хонзоданинг хизматкори Холмат билан хуфия учрашувларига Фоғир томонидан бойга айтилган гапда ҳам сезилади.

Фоғир. Ҳа-ҳа, бой. Аввал уйдагиларнинг ҳисобини қилинг. Нима қиласиз савдо-сотиқни кўпайтириб.

Бой. Бу нима деганинг, таги паст.

Фоғир. Бой, бозорингиз ҳали ҳам чаққон. Янги мол олсангиз харидорлар оёғингизнинг остидан чиқади-ю, ўзингиз икки қўлингизни яна бурнингизга тикиб қолаверасиз. Ахир бой, қачонгача хотин олиб, хотин соиласиз? Қачонгача қўшмачилик қиласиз?

Холмат. (Ўзича.) Бу хумпар, менга шама қиляп-тими? (Ҳамза. «Бой ила хизматчи»)

Шунингдек, кесатиш, масхаралаш, ҳўқизини йўқотиб нажот сўраб келган Қобил бобога қаратса аминнинг айтган нутқида яққол кўринади:

— Ҳа, сигир йўқолдими?

— Йўқ... сигир эмас... ҳўқиз... ола ҳўқиз эди.

— Ҳўқизми?.. Ҳўқиз экан-да. Ҳмм... Ола ҳўқиз? Тавба.

— Бори-йўғим шу битта ҳўқиз эди...

Амин кулди.

— Йўқолмасдан илгари бормиди? Қанақа ҳўқиз эди?

— Ола ҳўқиз...

— Яхши ҳўқизмиди? Ёмон ҳўқизмиди?

— Қўш маҳали...

— Яхши ҳўқиз бирор етакласа, кета берадими?

— Бисотимда ҳеч нарса йўқ...

— Ҳзи қайтиб келмасмикан?... Бирор олиб кетса, қайтиб кела бер, деб қўйилмаган экан-да. Нега йифланади, а? Иифланмасин! Абдулла Қаҳҳор. «Ўғри»)

Киноя сўзловчининг «мен» олмоши ўрнида «биз» олмошини қўллашида ҳам кўринади. Бу ҳол кўпинча Қа-

ландаровнинг Саидага нисбатан қонқув нутқида учрайди:

Қаландаров гапни яна айлантириди:

— Сиз биздан ёрдам олгани эмас, бизга раҳбарлик қилгани келгансиз. Раҳбарсиз... Биз нима иш қилсақ, сизнинг раҳбарлигингиз остида қиламиз... (*Абдулла Каҳҳор. «Синчалак»*).

— Ҳа, сиз турганда бизни ҳисобга олишнинг нима ҳожати бор. Сиздай раҳбар бўлган жойда биздақа одамларни ҳисобдан чиқариб ташланса ҳам бўлади (*Абдулла Каҳҳор. «Синчалак»*).

Ирония бир фикр орқали бошқа бир фикрни келтириб чиқариш йўли билан ҳам ҳосил қилинади.

Қаландаров ғижинди ва нима дейишини билмай:

— Колхоз ёқиб қолган бўлса эр-пер топиб бера қолай...— деди.

Саида унинг афтига қаради.

— Мен сизни фақат яхши пахтакор деб билар эдим, бошқа касбингиз ҳам бор экан (*Абдулла Каҳҳор. «Синчалак»*).

Бу мисолдаги «бошқа касбингиз ҳам бор экан» ибораси орқали «қўшмачилик касбингиз ҳам бор экан» тушунчаси ҳосил қилиняпти.

Баъзан кесатиш тўғридан-тўғри юзага чиқиши мумкин:

— Омборчи — эркак, ферма мудири — эркак, дўкон мудири — эркак...

— Яслига ҳам биронта бўйни йўғонни қўяқолинглар...

— Эшон бўла қолсин (*Абдулла Каҳҳор. «Синчалак»*).

Антифраза ирониянинг бир кўриниши бўлиб, шахс ёки нарсага хос бўлган ижобий хусусият кулгили ёки заҳарханда оҳанг билан инкор этилади. Авахтанинг оғир эшиги ғижиллаб очилди. Соқчининг таниш овози эшитилди:

— *Хўши, Номозбой, яхши ётиб турдингизми?*

— Ҳа, худди онамнинг қорнида ётгандек (*Х. Тўхтабоев. «Қасоскорнинг олтин боши»*).

Бу Қори Ишкамбанинг баднафслигига ва ошни йирик-йирик олаётган бармоқларига ишора тарзида муллаваччалар томонидан айтилган кинояли нутқда учрайди:

— Қори амаки, бу панжами, паншаха?..

— Паншаха-да,— деди бошқа бириси.— Қори ама-

ким маشاқчи бўлганларидан кейин тўғри қелганда хирмонни совура берадилар, шунинг учун ўзлари билан бирга панжа ўрнига паншаха олиб юрадилар (Айний. «Судхўрнинг ўлими»).

Перифраз ёки перифраза грекча, «яқин гапираман» сўзидан олинган бўлиб, унда киши ва нарса номлари тўғридан-тўғри гапирилмасдан, улар турли хил сўз ва иборалар ёрдамида баён қилинади. Қуйидаги мисралардаги «давлатпаноҳ», «аълоҳазрат» сўzlари подшо, ҳукмдор маъносида қўлланган:

*Давлатпаноҳ шу нуқтада сонияларнинг
Таносиби Патлимусдан андак бошқача.*

(Шайхзода. «Мирзо Улугбек»).

«Аълоҳазрат». Аълоҳазрат ким?

Али, мени сен шу ерда «устоз» деявер.

(Шайхзода. «Мирзо Улугбек»)

Абдуллатиф тилидан айтилган «бузругворим» сўзи «отам» маъносини ифодалайди: Бузругворим, шафқатингиз оламга машҳур (Шайхзода. «Мирзо Улугбек»).

Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романида «дунё билан видолашди» сўзи «ўлди» сўзи ўрнида, «жанобингиз» сўзи «сиз» сўзи ўрнида, «Каъбатулло» сўзи «масжид» сўзи ўрнида қўлланган:

Кўкламга чиқар-чиқмас Салим бўёқчининг ўзи ҳам дунё билан видолашди.

— Худонинг бериши, тақсир— деди Сафар, ўйлабнетиб турмай,— жанобингиз Бухорий шарифда неча йил ўқиб ниҳояти маҳаллага имом бўлдингиз...

— Азбаройи худо олмади!— деди Сафар ва асабийлашиб ўрнидан туриб кетди,— шу каъбатуллонинг ичida ўтириб ёлғон гапирган одам мусурмон эмас... «Чақалоқ» сўзи ўрнида «кўкрак боласи» ибораси қўлланиши мумкин: Нигор ойим ҳозиргина қизларни озод қўйиб, кўкрак боласини бағрига олган эди (Қодирий. «Меҳробдан чаён»).

Қуйидаги байтдаги «гулшан», «гулзор», «боғ», «чаман» сўzlари мамлакат, юрт ўрнида қўлланган:

*Баҳор мисоллигим, гўзал Ватаним,
Гулишаним, гулзорим, боғим, чаманим.*

(Уйғун. «Ватан ҳақида қўшиқ»)

Кейин келтириладиган шеърдаги «она» сўзидан ҳам бевосита Ватан, юрт, мамлакат тушунилади:

«Ёв келди, қўзғал»,— деб чорладинг яна,
Милтиғим қўлимда тайёрман, мана
Сўнгги жангга кирдим сен учун она
Шубҳасиз, янчилар, топталар ғаним.
Муқаддас Ватаним, жондан севганим,
Улсам айрилмасман қучоқларингдан.

(Ўйғун. «Ватан ҳақида қўшиқ»)

Муболаға бирор воқеа-ҳодисани маҳобат қилиб, меъёридан жуда ҳам ошириб, бўрттириб тасвираш демакдир. У илмий адабиётларда гипербола деб ҳам юритилади.

«Алпомиш» достонида қалмоқ полvonларига берилган таъриф муболағанинг ёрқин намунасиdir:

Шомурти ёқалаб ҳар ёққа кетган,
Ичиди сичқонлар болалаб ётган,
Издан тушган пишак олтойда етган...
Одам туш(ун)мас унинг айтган тилига,
Беш юз қулоч арқон етмас белига...
Оҳ урса оламни бузар товуши,
Тўқсон молнинг терисидан ковуши...
Қаҳрланса, тоини ёрат қаҳари,
Тўқсон норнинг гўшти бўлмас наҳори...
Олтмиш қари олачадан қалпоги,
Тўқсон қўйнинг терисидан телпаги.
Тўрт юз тўқсон қулоч қўлда ҳассаси,
Сарҳовуздан катта эди косаси...
Тўқсон қари бўздан бўлган киссаси.

(Фозил Йўлдош ўғли. «Алпомиш»)

«Қуллар» романида чопқин қилинган қулларнинг босқинчилар томонидан ўзаро тақсимланиш пайтидаги оҳу зор ва йифи вазияти тасвирида ҳам муболағадан фойдаланилган: ... эридан ажратилган хотин, хотинидан ажратилган эр, уч яшар, икки яшар болаларидан ажратилган ота-оналар ва ота-оналаридан ажратилган ёш болаларнинг оҳу зорлари, фарёду фиғонлари кўкларга чиқмоқда, булатларга қўшилмоқда, кўзлар ёш ўрнига қон сачратмоқда, бўғизлар оҳ ўрнига ўт сочмоқда эди (Айний. «Қуллар»).

Бой ва имомнинг гапига кириб хонавайрон бўлган

Кўканнинг кўз ёши тўкиб шудгорни кўл қилиши ҳам муболағадир:

*Ҳам ер ориқ, ҳам ранг сариқ, жамарга мўл,
Йиглайвериб Кўкан қипти шудгорни кўл.*

(Faфур Fулом. «Кўкан»)

Алишер Навоий ҳам «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳоднинг жасорати, куч-ғайратини бўрттириб кўрсатиб, китобхонда ўз қаҳрамонига нисбатан меҳр (симпатия) уйғотиш мақсадида муболағадан фойдаланган:

*Анингдек тешадин секриб ушоқ тош,
Ки нозир бир йиғочдин қочуруб бош...
Ки уч йил икки юз хорабур устод,
Ололмай ҳам онча хорадин дод.
Ки уч йилда не иши бутмиш саросар,
Ўзи бир кунда қилмишдур баробар.*

(Навоий. «Фарҳод ва Ширин»)

Бу келтирилган мисолда Фарҳоднинг тоғда ариқ қазиш пайтидаги катта-катта харсангларни майдада майдада қилиб ташлаши, унинг гурзиси зарбидан учган тош парчалари бир ёғоч (8 км) масофадан ҳам ошиб кетиши, Фарҳоднинг бу жасоратини узоқдан кузатиб турган кишилар тош парчаларидан омон қолиш учун пана га яширинишилари ва, ниҳоят, икки юз кишининг уч йилда қилган ишини Фарҳод бир кунда бажаргани муболаға билан баён этилади.

Фарҳоднинг вояга етиб қадду қоматли бўлиши қуийдагича баён этилади:

*Бўлуб ўн ёшқа умрининг мурури,
Йигирми ёшча қадди жисму зўри.*

Мазмуни: Ўн ёшга етганда йигирма ёшли йигитнинг қадди ва кучи бор эди.

Фарҳоднинг ҳарбий санъати, қиличбозликдаги маҳорати қуийдагича тасвирланади:

*Қиличи зарбаси олинда ҳар марз,
Шигоғ андоқки сувдин ер аро дарз.*

Мазмуни: Қиличининг зарбасидан ҳар қандай ер ёрилиб, сув билан ер орасида дарз пайдо бўлади.

Шоир Фарҳоднинг тоғдан ариқ қазиш жараёнини ажойиб муболағалар ишлатиб, у қазиган тошнинг ҳар

бир парчасини осмон филига ортилган юкка, яъни қуёш ҳажмига ўхшатади:

*Кесиб ҳар пешаси қилғоч хароши,
Фалак фили юкидек пора тоши.*

Танобчилар Султон Али Хўжа билан Ҳакимжоннинг мақтандоқлиги «офизларининг катталиги ўн беш қариш» деб маҳобат, лоф билан бўрттириб баён этилади:

*Оғизлари мақтаниб ўн беш қариш,
Майда сухан, эзма чурук, занчалиш.*

(Муқимий. «Танобчилар»)

Аллегория усули ҳам киноя, қочириқ, кесатиш хусусиятига эга бўлиб, асосан мақолларда кўпроқ учрайди ва ҳайвон, жонивор сингарилар инсонлар сингари ҳаракат қилиб, инсонларга оид хусусиятлар очиб берилади: Сичқон сифаси инига, ғалвир боғлар думига (*Гулханий. «Зарбулмасал»*).

Эр бошиға иш тушса, ўтук чечмай сув кечар, от бошиға иш тушса, сўлуқ бирла сув ичар (*Гулханий. «Зарбулмасал»*).

Символ грекча шартли белги, рамз демакдир. У метафоранинг бир кўриниши бўлиб, унда ҳаётий бир нарса, тушунча ёки воқеа ифодаси учун шартли равища кўчма маънода қўлланадиган сўз ёки сўз бирикмасидан фойдаланилади. Қуйидаги мисрада булбул хушовозлик, оқ капитар озодлик, тинчлик рамзи сифатида гавдаланади:

*Кантар бор! У оппоқ парвоз! У орзу!
Касру қафаслардан озод батамом!..
Гулзоринг тинч бўлсин, булбул, жонажон,
Қанотинг толмасин, суюк оқ капитар!*

(Омон Матжон. «Оқ капитар»)

«Хазон» сўзи эса ҳар вақт қуриш, қовжираш тимсоли ҳисобланади:

*Сени кўрса очилсин гуллар,
Сени кўрса ёнсин булбуллар,
Сени кўрган бари топсин жон,
Сен юрган ер кўрмасин хазон.*

(Ҳамид Олимжон. «Ҳулкарнинг шеъри»)
Кўнгил гулшанини қоплади хазон,

Йўқолди шунчалик бебаҳо севги.

(Ҳамид Олимжон. «Офелиянинг ўлими»)

Шунингдек «кишан», «қора таёқ», «қамчи» сўзлари эса зўравонлик, жаҳолат, эрксизлик рамзи саналади:

— Эл бошига қора таёқ, қўлига кишин, эркига завол бўлган, қамчисидан қон томган ҳокимлар дунёсига ўт қўямиз! (Ҳ. Тўхтабоев. «Қасоскорнинг олтин боши»)

Жонлантириш усули метафоранинг бир тури сифатида оғзаки нутқда ва бадиий матнларда ҳам қадимдан қўлланиб келинади ва унда инсонга хос қобилият ва хусусиятлар ҳайвонлар, жонсиз нарсалар ва табиат ҳодисаларига мужассамластирилади, аниқроқ қилиб айтганда, унга инсонларга хос сўзлаш, фикрлаш, ҳис қилиш хусусиятлари сингдирилади.

«Туя билан Бўталоқ» масалида туя, «Юсуфу Зулайҳо» достонидаги бўри образлари инсонлар сингари гапиради:

Айди онаси боласиға боқиб,
Кўзларини ёшлари сувдек оқиб:
— Кўрки, бурундуқ кишини қўлида
Бу кишини кўзлари ўз йўлида.

(Гулханий. «Зарбулмасал»)

Бўри:— Мен Юсуфни емадим,— деб тилга келгани («Юсуфу Зулайҳо»).

Анвар билан Ръёнонинг боғда учрашувлари пайтида эсган шамол инсонлар сингари жонлантирилади: Боягидан бирмунча кучая тушган шамол гулни гулга қовушириб, гўё бу икки ёшга: «Сиз ҳам мана шу гуллар каби «қовушинг», дегандек бўлар эди (Қодирий. «Мехробдан чаён»).

Келтириладиган мисралардаги «улар» (шабадалар) ва «юлдузлар» худди инсонлар сингари жонли ҳаракат қиласиди:

Бошимни чиқарсан, деразамдан мен,
Улар соchlаримни тараб ўтдилар.
Кетар чоғларида сўнгги юлдузлар
Эгилиб, юзимга қараб ўтдилар.

(Ўйғун. «Тонг»)

Ҳамид Олимжоннинг «Бахтлар водийси» шеърида жонлантириш усулидан қўйидагича фойдаланилган:

а) далалар жонлантирилади:

Салқин саҳарларда
уйқудан турған;
Булоқ сувларига
юзини ювган
Мармар ҳаволарнинг
құйнуга чўмган,
Зилол бўшлиқларга
кенг қулоч ёйган
Мустақиллик ишқи билан
ёнган далалар
кўм-кўк;

б) давр жонлантирилади:

Янги кунга чиққан
водий оёқларда
От ит каби
судралгувчи давр ўлади;

в) шаҳар жонлантирилади:

Эй, Фарғона.
Мушкул кунлар боласини
тишида тишлаб,

Ювіб,
тараб,
севиб,
ўтиб,
қучиб,
опичлаб,
Эй, баҳтларни балоғатга
етказган она;

г) тоғ ёнбағирлари жонлантирилади:

Нафаслари тўлиб-тўлиб, қулоч отади —
Уйқуни тарк этиб
керишган ува.

Апострофа грекча «коғиши» сўзидан олинган бўлиб, унда жонсиз нарса ва ҳодисага жонли нарсадек ёки ўзи йўқ шахсга худди иштирок этаётгандек мурожаат қилинади.

Қўйидаги шеърда Ватанга жонли инсон сингари мурожат этилади:

Ватан — она сўзи нақадар лазиз.
Сенсан ҳар нарсадан мўтабар, азиз...

(Уйғун. «Ватан ҳақида қўшиқ»)

Ҳамид Олимжоннинг «Шодликни куйлаганимнинг сабаби» шеъридан келтирилган қуидаги парчада Навоий ва Пушкин қайта жонлантирилади:

*Ва Навоий тушиб йўлимга
Фарёд билан ўрнидан турди...
Пушкин менга кўрсатди ҳар кеч
Йиглаб турган бир черкас қизни.*

Фигуралар

Фигуралар нутқ таъсирчанлигини кучайтириш, тасвирийликни оширишга ёрдам берувчи маҳсус синтактик қурилиш, нутқ қўринишлариdir.

Нутқда фигуралар тингловчига кўпроқ эмоционал таъсир кўрсатиш, гапдан англашилган умумий маънони кучайтириш ёки камайтиришда синтактик восита сифатида ишлатилади.

Троплар сўзлар билан иш кўрса, фигуралар гап тузилиши ва гапдан англашилган умумий маънога асосланади. Фигураларнинг турлари қуидагилар:

Антитета грекча қарама-қарши сўзидан олинган бўлиб, бир-бирига зид тушунча, фикр ва ҳиссиётларни ифодалашда, уларга қиёсий тавсиф беришда қўлланувчи тасвирий воситалардан биридир. У мумтоз адабиётда тазод деб ҳам юритилади.

XV асрда яратилган «Юсуфу Зулайҳо» достонидаги Балх қамали воқеасининг тасвири антитета (қарама-қарши қўйиш) усулининг ёрқин намунасидир. Унда шаҳар ичида қамалда қолган аҳолининг аянчли аҳволи, очликдан чекаётган азоб-уқубатлари дўзахга тенглаштирилса, шаҳар ташқарисининг фаровонлиги, тўкинилиги жаннатга қиёсланади ва шу асосда бу икки вазият қарама-қарши қўйилади:

*Шаҳр чу дўзах зиндан эди,
Ташқари чун равзали ризвон эди.
Ташқари эрур бори нозу наим,
Шаҳр ичида эрди азоби алим.
Ташқари эрди бори фолизу боғ,
Шаҳр ичида эрди баси дарду доғ.
Тошта эди сабзая оби равон,
Шаҳр ичида эрди юз оху фифон.
Тошта эди неъмат ила гаштгоҳ,
Шаҳр ичида шарбат эди оби чоҳ.
Тошта ўшал сухбату гулзор эди,
Шаҳр ичида меҳнату булжор эди,*

*Тошта эди жумлаи айшу тараф,
Шаҳр ичиди эрди баси сўзу таб.
Халқ бу шаҳр ичра базиндан эди,
Меҳнат ўтидин бори бирён эди.*

(«Юсуфу Зулайҳо»)

*Илму шеърда шоҳу султон,
Лек тақдирига қул,
Ўз элида чекди ғурбат,
Зору нолон ўзбегим.*

(Э. Воҳидов. «Ўзбегим»)

Бу парчада ўзбекларнинг илму маърифат, шеърият майдонида доимо шоҳ, султон бўлгани ҳолда, ўз тақдирига қул бўлиб келганлиги баён этилиб, «шоҳ» ва «султон» сўzlари «қул»га қарама-қарши қўйилган.

*Орзунг бор куйлашга, лекин қалбингдан
Тарқалар бир маъюс ва ғамгин сазо.
Қўйнингда бир қучоқ оқ ва нафис гул,
Лекин руҳинг тўла мотам ва азо.*

(Ҳамид Олимжон. «Офелияниг ўлими»)

Келтирилган мисралардаги «куйлаш» сўзи «маъюс ва ғамгин сазо»га, «оқ ва нафис гул» бирикмаси «мотам ва азо (аза)»га зид қўйилмоқда.

Қўйидаги миссолда, дунё, олам зинданга нисбатан зид қўйилади: Бу дунё турмадан яхшими? Олам зиндандан қоронгироқ, ифлосроқ эмасми? Ҳамма ёқ қоронғи, ҳамма ёқдан заҳар ёғилади. (Ойбек. «Қутлуғ қон»)

Фурқат гимназия, унинг ўқитувчилари, ўқувчилари ҳамда синфлар жиҳозини мақтаб, ҳавас билан тасвиirlар экан, маҳаллий хону беклар, амалдорларнинг илм-фанин ёқтираслиги, шу туфайли эски ўқитиш тартиби талабга жавоб бермаслигини, илм аҳлиниг қадрлан-маслигини аввалги тасвиirlangan воқеа-ҳодисага нисбатан зид қўяди:

*Томошодин хирад кўзи қамашур,
Ҳама ашёйи ҳикмат издиҳоми.
Тилидин сойири асбоби ҳикмат,
Эшиитмак мумкин Афлотун паёми,
Қолиб ҳайратда қилдук офаринлар,
Бўлур мундог шоҳларнинг низоми.
Эсизким, бизнинг ўтмуш хону беклар,*

*Кечиб ишратда зое субху шоми.
Кетурмай ёниға бир аҳли дониш,
Ўзига хос этиб неча авоми.*

(Фурқат. «Гимназия»)

Оксиморон грекча ўткир маъноли бемаънилик сўзи-дан олинган бўлиб, у антитетанинг бир кўриниши ҳисобланади ва бир-бирига тамоман зид бўлган сўзлар бирлаштирилиб, янги бир маъно келтириб чиқарилади: *Мана, ўрмон ҳиди — бундан ёқимли нарса борми. Бу ерда ўлим ҳам баҳт. Бироқ фрицнинг гарданида ҳакимиз бениҳоя кўп.* (Ойбек. «Қуёш қораймас»).

Улим ҳеч вақт баҳт бўлолмайди. Шунга қарамасдан бу мисолда икки қарама-қарши қутб — ўлим ва баҳт бирлаштириляпти.

*Майли бизлар ҳурриятнинг фидойилари,
Ҳуррият деб бандаликка кўнган эркинлар.*

(Шайхзода. «Мирзо Улугбек»)

Бу мисрада бандилик билан эркинлик тушунчалари бирлаштирилиб, янги бир маъно — мослашиш маъносига ифодаланяпти.

Градация лотинча аста-секин кўтарилиш, зинапоя сўзидан олинган бўлиб, унда маълум нарса, тушунча ва воқеа-ҳодисаларга тааллуқли бўлган белги, хусусиятлар маъно жиҳатидан ўхшаш сўз ва иборалар ёрдамида кучайтириб борилади. Бу усул асосан поэтик нутққа хос ҳодисалардан ҳисобланади.

Ҳамид Олимжоннинг «Баҳтлар водийси» шеърида градация қуидагича қўлланган:

а) белги кучайтирилган:

*Бўла,
юмшоқ,
семиз,
сероб
сийналарида
Янги давр юрагининг
ўти кўкарган;*

б) ҳаракат кучайтирилган:

*Ювиб,
тараб,
севиб,
ўпиб,
қучиб,
опичлаб,*

Эй, баҳтларни балоғатга етказған она.
Езилиб,
етилиб,
түлиб ётади—
Еппасига
янги кунга
эришган Қува...

Риторик ундов бадиий матнларда ёки жонли нутқ-да интонациянинг тасвирийлигини ошириш мақсадида фойдаланилади. Садриддин Айнийнинг «Қуллар» романидан келтирилган қўйидаги парчада Ўрмон полвоннинг зўравонлигига нисбатан камбағалларнинг хитоблари риторик ундовдир: Ўрмон полвон отини ўйнатиб Сафарнинг устига келди:

- Гапингни билиб гапир! — деб унинг бошига бир қамчи солди.
- Бу қандай бедодлик! — деб дод деди Сафар.
- Бедодлик!
- Ҳақсизлик!
- Инсоғизлик!

Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасининг З-пардасидаги эксплуататорлар (эзувчилар) ва ҳалқ томонидан айтилган нутқ ҳам риторик ундов саналади:

Ҳоким. Ҳўп! Мен адолат юзасидан сўрай: айтингиз, жамоат, Фоғир ўғрими, тўғрими?

Эксплуататорлар. Ўғри, тақсир, ўғри!

Ҳоким. Подшоҳга қарши исёнкорми?

Эксплуататорлар. Исёнкор! Гуноҳкор! Осий!

Ҳалқ (кўчада). Ёлғон! Адолатсизлик! Ҳақсизлик!

Риторик ундов гапларда кўпинча кесим биринчи ўринда, эса кейинги ўринларда келиб, ҳис-ҳаяжон, чақириқ характеристига эга бўлади:

Яшангиз ишчи, деҳқонлар, жаҳон ичра!

Бўлмасин золимлар бизнинг замон ичра!

(Ҳамза. «Яшангиз ишчи, деҳқонлар»)

Ёки: «Яшасин ёшлиқ! Яшасин мустақиллик! Яшасин озодлик!» сингари чақириқлар ҳам риторик ундовга мисолдир.

Риторик сўроқ. Одатда сўроқ гаплар тингловчидан жавоб талаб этади. Риторик сўроқ гапларда эса жавоб талаб этилмайди, чунки сўроқнинг ўзи кўпинча тасдиқ маъносини ҳам ифодалайди, жавоби ўзидан маълум

бўлиб туради. Бундай гапларда оҳанг катта аҳамиятга эга бўлади:

*Ҳунарни асрарон неткумдур охир?
Олиб туфроққаму кеткумдур охир?*

(Навоий. «Фарҳод ва Ширин»)

Бу байтда «ҳунарни асрарон» «уни тупроққа олиб кетмайман» деган маъно англашилади.

— Балоигизни олай, бек! — деди Сафар, — ҳали менинг арзим битган эмас, шу тўрт парча ернинг бариси тўрт таноб эди.

— Ким билади? — деб амлакдор унинг сўзини кесди, саккиз таноб бўлса ҳам ажаб эмас (Айний. «Қуллар»).

— Ўқиб кўринглар деб ялинсам урасизлар. Мундан ортиқ бедодлик бўладими? (Айний. «Қуллар»)

Биринчи мисолдан «ҳеч ким билмайди», кейингисидан эса «бундан ортиқ бедодлик бўлмайди» деган маънолар тушуニлади.

Меҳмонлари билан келаверса бўлмас эканми? (Абдулла Қаҳҳор. «Асрорбобо»)

Бу мисолдан «бўлади» деган жавоб англашилади.

Мен кимни ўлдирдимки, сени ўлдираман? (Ҳамза. «Заҳарли ҳаёт»)

Мен суюкли масмидим, жоним? (Ҳамза. «Заҳарли ҳаёт»)

Сенга зулм қилувчи бир менми? (Ҳамза. «Заҳарли ҳаёт»)

Юқорида келтирилган гапларнинг жавоблари ўзидан маълум бўлиб, уларни дарак гапга айлантироқчи бўлсақ, қўйидагича бўлади: «Мен ҳеч кимни ўлдирганим йўқ сени ўлдирмайман», «Мен суюкли эдим, жоним», «Сенга зулм қилувчи ҳамма».

Риторик сўроқ гапларда «наҳот», «наҳотки», «наиники» каби юкламаларнинг аҳамияти катта бўлиб, у ҳолатда ҳам сўроқ жавоби аниқ бўлиб туради: Наҳот бу одамни фақат Усмонжон масаласи, фақат нафсоният шу куйга солган бўлса? (Абдулла Қоҳҳор. «Синчалак»)

*Наҳотки еримиз
Чаппа айланаб,
Наҳотки дарёлар
Оқар тескари,*

Кезар дарбадар?

(*Гафур Ғулом. «Сен етим эмассан»*)

— Арслонбек ака, биз масалани тайёрлашга, ўтказишига шунча вақт, шунча меҳнат сарф қилганимизда наинки бироннинг обрўйини тўкиши ёки бирорга обрў туғдирини кўзлаган бўлсак? (Абдулла Қаҳҳор. «Синчалак»).

Наҳотки, энди кўршапалакдек фақат кечаси юришига мажбур бўлсан! (Х. Тўхтабоев. «Қасоскорнинг ғолтин бозши»)

Наинки одам эгилиб, ариқдан бир пиёла сув ололмаса... (Абдулла Қаҳҳор. «Синчалак»)

Боғловчили ва боғловчисиз боғланиш. Нутқа кескинлик, шошилинч, тезлик киритиш ёки нутқни маълум бир такт билан ифодалаш мақсадида нотиқлар кўпинча сўз ва сўз бирикмаларини боғловчили ва боғловчисиз ҳолда баён этадилар. Боғловчили боғланиш «-у», «ва» боғловчилари орқали юзага чиққанда, оҳангий кескинлик бирмунча суст бўлади: *Қулу, пулу, ўлжа билан бойиди беклар; Сизга ҳузур ва ҳаловот ва роҳат лозим.* (*Шайхзода. «Мирзо Улуғбек»*) Боғловчисиз боғланишда эса оҳангий кескинлик, тезкорлик, шошилинчлик юқори даражада бўлади:

*Шу қилмишинг ахир бари халқни қўзғайди
Менга қарши, тахтга қарши, давлатга қарши.*

(*Шайхзода. «Мирзо Улуғбек»*)

Баъзан биринчи қатор охиридаги уюшиб келган иккича сўз бириктирувчи боғловчилар ёрдамида боғланиб, қолганлари боғловчисиз келиши мумкин:

*Зилзиладан, қирғинлардан ва ёнғинлардан,
Фарёдлардан, ур-урлардан, чопҳа-чоплардан
Акс-садо келиб турар бу мозорга ҳам.*

(*Шайхзода. «Мирзо Улуғбек»*)

«На» инкор боғловчиси ҳам сўзларни уюштириб келганда гапнинг оҳангий ифодалилигини кучайтиради:

*На ҳақсизлик, на фитналар, на фисқу фужур,
На мулк учун талаш бўлур, на қонли низо.*

(*Шайхзода. «Мирзо Улуғбек»*)

Айрим ҳолда нутқ боғловчисиз боғланган мураккаб уюшиқ бўлаклар билан бошланиб, содда уюшиқ бўлак-

— Тушуниб турибман, Арслонбек ака,— деди Саида юзида табассум ва сўз оҳанги билан уни қизишмасдан гапиришга даъват қилиб, лекин улоқчи отлар қамчини кўрса, кўтариб кетар эди. Сиз... кечирасиз, нима бўлди, нима гап ўзи? (Абдулла Қаҳҳор. «Синчалак»)

Бу мисолда уч нуқта билан берилган «сиз» сўзидан «Сиз қирчанғи, тепса тебранмас, яроқсиз отсиз» деган маъно англашиляпти.

Жим қолиш саҳна асарларида кўп учровчи ҳолат бўлиб, унда айтилаётган фикр охиригача айтилмасада, аммо тингловчи ўша айтилмаган фикрдан хабардор бўлади:

Қўчқор. ...Дўхтирга оборишса, жигарингиз қозон сочиқ бўп кетибди-ку, дебди. Кейин тақсир, қизил ўнгачлариям... (Ш. Бошибеков. «Темир хотин»)

Бой. Уни эсингдан чиқар! Сенга у номаҳрам! Сенинг эринг мен бўламан!

Жамила. Сиз ... эрим?!

Бу келтирилган мисоллардаги биринчи диалогнинг охирги гапи «Кейин тақсир, қизил ўнгачлариям тамом бўлган», иккинчисида «Сиз эрим эмассиз» шаклида бўлиши сўзловчи учун ҳам, тингловчи учун ҳам ва китобхон учун ҳам аёнди.

Такрор. Бадий асар муаллифлари тасвирланаётган воқеа-ҳодисага ўқувчининг дикқатини тортиш, уни бўрттириб кўрсатиш учун бадий асарларда товуш ва товушлар, сўз ва сўзлар йифиндисини, гапларни такрор қўллаб, урғуни кучайтиради, нутққа кескинлик киритади.

— Сув бошидан лой, эгачи, идорани кўрмайсизми, қиличдай-қиличдай йигитлар роҳати бадан кўйлак кийиб, чўт қоқиб ўтиришибди... (Абдулла Қаҳҳор. «Синчалак»)

— Омборчи — эркак, ферма мудири — эркак, дўкон мудири — эркак. (Абдулла Қаҳҳор. «Синчалак»)

Қаландаров кўзларини ўйнатиб унга яқин келди ва қаттиқ шивирлади.

— Миш-миш? Раиснинг ҳали бурни қонамасдан туриб, унга қазилган гўр устида дутор чертиб, чилдирма базм қилганингиз ҳам мишиши? Лекция баҳонаси билан хотин-қизларничувиллатганингиз, раисга қарши қўйганингиз ҳам мишиши? (Абдулла Қаҳҳор. «Синчалак»)

Сўзларнинг такрорий қўлланиши натижасида тасдиқ

маъноли гапдан инкор маъноли гап ҳосил қилиш ҳам мумкин:

*Не урдусига бор эди канора,
Не ул урдуниг ахлига шумора.*

Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидан олинган бу байтда Хисрав қўшинининг кўплиги ва бу қўшиннинг сон-саноғига етиш қийинлиги «не» боғловчисини такрор қўллаш воситасида ифодаланган.

Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» достонида такрор усули «на» боғловчиси ёрдамида юзага чиққан:

*Зайнаб қолди бечора якка,
Кимса келмас унга кўмакка.
На ота, на она қолди,
На бир кулба, на хона қолди;
На бир паноҳ, на бир ошиён,
На бир ғамхўр, на бир меҳрибон,
На бир сирдош, на бир йўлдош,
На бир ўртоқ, на бир қайғудош...
Хеч кимсаси йўқ эди, ёлғиз,
Тутқун бўйиб қолган эди қиз.*

Матнда бир сўзнинг қайта-қайта такрорланиши ўша сўз билан боғлиқ бўлган вазиятнинг кучайтирилиб таъкидланишига хизмат қилади:

*Ёлғиз бир мен онасиз ўтдим,
Ёлғиз бир мен заққумлар ютдим.
Ёлғиз бир мен она алласин
Тинглагали бўлдим интизор.
Ёлғиз бир мен онанинг сасин
Эшитолмай йиглаб ўтдим зор.*

(Ҳамид Олимжон. «Зайнаб ва Омон»)

«Яна» боғловчиси ва «ким» сўроқ олмоши такрорланганда, устма-уст юзага чиқиши мумкин бўлган ҳаракатлар таъкидланади:

*Яна кимки, ватан учун жанг қилса,
Яна кимки, ёв ҳолини танг қилса,
Яна кимки, ёвни қувса ватандан,
Менинг чеҳрам кўринади ўшандан.*

(Ҳамид Олимжон. «Муқанна»)

Баъзан шарт ва тўсиқсизлик эргаш гапли шеърий мисралар охирида эга ва кесимнинг бир неча бор так-

рорланиши иккинчи даражали бўлаклардан ифодаланган маънонинг бўрттирилишини таъминлайди:

*Жон берган онамни кўришимга
кўзим етмайди,
Тиззасига бир нафас бош қўйишимга
кўзим етмайди,
Оналик меҳрига ўбдан тўйишимга
кўзим етмайди,
Оқ сутингни оқлай, дейшишимга
кўзим етмайди,
Менда ғашлик нетарди.*

(Миртемир, «Онагинам»)

Аллитерация грекча бўлиб, нутқда товушларнинг мос келишидир. У такрорнинг бир кўриниши бўлиб, бадиий нутқни янада оҳангли, ифодали баён этиш учун қўлланади. Бу қўпинча шеърий асарларда учраб, ўзаро қофиялаш, оҳангдош, бир хил сўзларнинг ёки бир хилдаги товуш ва қўшимчаларнинг такорори асосида вужудга келади.

*Бўз тўргай, бўзлашайлик.
Турумтой, сўзлашайлик.
Қалдирғоч, қувлашайлик.
Бетилмоч, қувнашайлик.
Саъвавой, сайрашайлик.
Сойма-соӣ сайрашайлик.*

(Миртемир. «Қуш тили»)

Бу шеърда аллитерация қофиядош сўзлар ва «С» товуши такороридан юзага чиқмоқда.

а) қофиядош сўзларнинг такороридан вужудга келади:

*Бу ерда
на ғурбат
на оғат
на ғам.*

*Бунда бор::
ҳарорат,
муҳаббат,
шафқат
Ва меҳнат нонини кўрамиз баҳам.*

(Faфур Fулом. «Сен етим эмассан»)

б) қўшимчаларнинг айнан такоридан:

*Қаҳрабо тугмадай
бағри доғ лоладай.
Айтганларидаи...*

Ёки:

*ўлкалар бузғувчи
эллар қирғувчи,
ўч олғувчи эмас.*

(Faфур Гулом. «Турксиб йўлларида»)

Аллитерация ҳодисаси Уйғуннинг «Ватан ҳақида қўшиқ» шеърида қўйидаги кўринишларга эга:

а) м ва ш товуши билан бошланувчи сўзлар такрори:

*Муқаддас, мўътабар улуғ Ватаним,
Шарафлар, шонларга тўлуғ Ватаним;*

б) г ва м товушли сўзлар такрори:

*Баҳор мисоллигим, гўзал Ватаним,
Гулшаним, гулзорим, боғим, чаманим;*

в) м товушли сўзлар такрори:

*Сеникидир зафар, Ватаним, жоним,
Давлатим, савлатим, шавкатим, шоним.*

Эпифора такрорнинг бир тури бўлиб, товушлар тутгалланиши ҳам деб юритилади. Бу усул «Мирзо Улуғбек» асарида сўзлар охирида «и» унлисининг такрорланиши орқали юзага чиқади:

*У бадбахтнинг ҳийла билан ўлдирилиши,
Аббос каби нобакорнинг ғойиб бўлиши.
Хўжа Аҳрор иғволари, таҳт даъволари
Исён, тұхмат, талон-тарож — ҳаммаси бир гап.*

Анафора ҳам такрорнинг бир тури бўлиб, сўз ёки сўз бирикмаларининг шеърий мисралар бошида такрорланишидир:

*Бир мероски, замон уни маҳв этолмайди,
Бир мероски, ворислари бу ватан аҳли.
Бир мероски, баҳра топар ундан ер юзи.*

(Шайхзода. «Мирзо Улуғбек»)

*Хайр сизга, шўх юлдузлар, сенга ғамли ой,
Хайр сизга, дўйстлар, жами инсонлар.*

Хайр сенга, оҳ Фирузам, қалбим синглиси.

(Шайхзода. «Мирзо Улугбек»)

Луғат устида ишлаш

Бадий матнинг лисоний таҳлилини турли-туман луғатларсиз тасаввур қилиш қийин. Луғат устида ишлаш ўқувчи ва талабаларнинг сўз бойлигини, оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади ва шу луғат ёрдамида нафақат сўзларнинг туб маъносини, балки кўчма маънолари, ҳар бир сўзнинг қайси тил унсури эканлиги, этиологияси (сўзнинг келиб чиқиши тарихи ва тадрижий ривожи), таркиби, баъзан эса грамматик шакли билан яқиндан танишилади.

Бадий матн лисоний таҳлил қилинар экан, изоҳли, атамашунослиқ, таржима, тарихий ва замонавий луғатлар ва қомуслар шу таҳлилга асосий манба бўлиб хизмат қиласди.

Имло луғати сўзларнинг тўғри ёзилишини, сўз шаклини ўргатади. Масалан: «туғулмоқ» эмас, «туғилмоқ», «тушинмоқ» эмас, «тушунмоқ». Чунки биринчи сўзнинг ўзаги бир бўғинли бўлиб, феълнинг мажхул даражаси қўшимчаси **-ил** ни қабул қилган (туғил), иккинчи сўз ўқувчилар ўзлик ва мажхул даражаси қўшимчалари **-ин**, **-ил** ни олган сўзлар билан иккинчи бўғини **-ун** билан тугаган «тушун» сингари сўзларни бир-биридан ажратолмайдилар ва чалкаштириб ёзадилар. Шундай пайтларда имло луғати муҳим ўрин тутади.

Орфоэпик луғат маълум тилнинг тўғри талаффуз меъёри ва қоидаларини ўргатади.

Талаффуз қилинаётган сўзлар тушунарли ва аниқ бўлиши учун уларнинг таркибидаги товушларни, баъзи қўшимчаларни талаффуз меъёрига мослаб айтиш талаб этилади. Товушлар бузиб ёки чала талаффуз қилинса, сўзларнинг маъноси бузилиб, таъсирчанлигига путур етади.

Бадий матн таҳлил қилинар экан, ундан баъзи талаффузи қийин ва таркибидаги товушлар икки хил (ж, ж, х, ҳ,) талаффуз қилинадиган сўзлар танлаб олинади ва орфоэпик луғат ёрдамида унинг қандай талаффуз этилиши белгиланади. Масалан: *анқов* (ангқов), *жўйжа*, *журнал*, *жийда*, *шоҳ*, *шоҳ* кабилар.

Бадиий матн таҳлили пайтида кўплаб фразеологик ибораларга дуч келинади. Бундай ибораларнинг кўчма маъноси асл маъносига таққосланган ҳолда ўқувчи ёки талабаларга матн асосида тушунтириб борилади. Масалан, **қўл кўтармоқ**. Бу иборанинг асл маъноси қўлни тепага кўтармоқ. Унинг кўчма маъноси: 1) бирорни урмоқ, бирорни уришга шайланмоқ; 2) овоз бермоқ, сайдамоқ, йиғилиш қарорини тасдиқламоқ; 3) таслим бўлмоқ, асир тушмоқ.

а)... ўз қўрамиздаги қудуқнинг сувини сира оғизга олиб бўлмайди.

б) Бу йилги сайловда эса унинг номзодини ҳеч ким оғзига олмади.

Келтирилган мисолларнинг биринчисидаги «оғизга олиб бўлмайди» ибораси асл маънода сувнинг *ифлослиги, bemazалигини билдираётган бўлса, иккинчи мисолдаги «оғизга олмади» ибораси назарда тутилган одам ҳақида ҳеч гап гапирилмаганлик, эътибор қилинмаганлик*, сайлов пайтида *сайланмаганлик* каби кўчма маъноларда қўлланяпти.

Матнларда маълум соҳаларга оид атамаларнинг ҳам қўлланиши табиий. Бундай ҳолатда атамашунослик луғатларидан фойдаланиш тавсия этилади. Масалан, «ўзак», «негиз», «қўшимча», «морфема», сўzlари тилшуносликка, «маснавий», «матлаъ», «мақтаъ», «комедия», «трагедия» сўzlари адабиётшуносликка, «машина», «трактор», «сейлка», «бульдозер» сўzlари техникага, «икс», «игрек», «синус», «косинус» сўzlари математикага оид атамалар саналади ва уларнинг маънолари ўша соҳаларга оид луғатлар орқали изоҳланади.

Синонимлар луғати орқали матндаги турли-туман кўп маъноли сўzlар изоҳи аниқланади ва уларнинг матндаги маъно жиҳатидан умумийлик ва ўзаро фарқли томонлари белгиланади. Масалан, «юз» сўзи «бет», «чехра», «афт», «башара», «турқ» каби синонимларга эга ва улар бадиий адабиётда турли услубий жилоларда қўлланади. Чунончи, «юз», «бет» сўзи бетараф, «чехра» сўзи поэтик, «афт», «башара», «турқ» сўzlари салбий маъно бўёқларига эга.

Бадиий матндаги шаклан бир хил, мазмунан ҳар хил бўлган шаклдош сўzlар омонимлар луғати орқали изоҳланади. Масалан, Навоийнинг қўйидаги тууюғига эътибор қилинг:

*Олмани сунди нигорим, «Ол» деди.
Олма бирла бу кўнгулни «ол» деди.
Сўрган эдим олмасининг рангини,
Не сўрарсен, олма ранги ол деди.*

Биринчи қатордаги «ол» сўзи «олмоқ», иккинчи қатордаги «ол» сўзи «кўнгилни кўтармоқ», «хурсанд қилмоқ», «севмоқ», тўртинчи қатордаги «ол» сўзи «қизил» маъноларида келган.

Маълум асар матни таҳлил қилинар экан, баъзи сўзларнинг қарама-қарши маъноларини аниқлаш ҳам ўқувчи ва талабаларнинг нутқини ўстиришда, фикрлаш қобилиятини кенгайтиришда муҳим омиллардан ҳисобланади. Бундай сўзларнинг қарама-қарши вариантини аниқлаш антоним сўзлар луғати орқали амалга оширилади. Масалан, «кўп», «мўл», «бисёр» сўзлари «оз», «кам» сўзларининг, «мехр», «муҳаббат», севги сўзлари «нафрат», «фазаб» сўзларининг, «мағлубият» сўзи «фалаба», «зафар», «ғолибият» сўзларининг антонимларидир.

Изоҳли луғатда сўз ёки иборалар маъноси шу тилдаги бошқа ўриндош сўзлар ёрдамида изоҳланади. Изоҳланаётган луғавий сўз қўлланиш кўламига қараб бир қанча маъноларга эга бўлса, унинг барча маънолари, услубий ва фразеологик жилолари иллюстратив мисоллар ёрдамида бериб борилади. Таҳлил қилинаётган бадиий матннаги баъзи ўзига хос сўзлар шу изоҳли луғат ёрдамида изоҳланади.

Изоҳли луғатлар мумтоз асарлар бўйича ҳам бўлиши мумкин. Ўқитувчи мумтоз асарлар таҳлилида бевосита уларнинг луғати, тушунилиши қийин сўзлар изоҳига ҳам тўхталиши ва ўтилаётган асар бўйича луғат тузиши ёки бирор асар бўйича ўқувчиларга луғат тузиши уйга вазифа қилиб бериши шарт. Унда ўқитувчи ўқувчиларга тушунилиши қийин бўлган сўз, унинг қайси тил унсури эканлигини, шу сўзнинг изоҳини тушунтириб беради. Шунингдек, ўқитувчи ўқувчиларга сўзларнинг арабий ёзув шаклини ҳам ёзib кўрсатса, уларда мумтоз асарларни ўқиши ва тушуниш кўникмалари ҳосил бўлишининг тезлашишига кўмаклашган бўлади.

Бадиий асар луғатини тузиш намунаси

(«Юсуфу Зулайҳо» достонидаги «Китоб назмининг ибтидоси» сарлавҳаси бўйича)

Адл а.— адолат, одиллик, тўғрилик, ҳаққонийлик.

Азм *а.* — ният, мақсад, майл, қатъий қарор; **азми жазм** — мақсад-ни амалга ошириш учун қатъий киришиш, жазм қилиш.
Айём *а.* — кунлар, давр, вақт, замон; **айёми чанд** — неча кунлар, неча пайтлар.
Акобир *а.* — улуғлар, мартабали кишилар; мансабдорлар.
Алим *а.* — қайгули, аламли, дардли, ғамли.
Асрор *а.* — сирлар.
Аҳзон *а.* — қайгулар, ғамлар, ҳазинлар.
Балх — Афғонистоннинг шимолидаги шаҳар.
Банда *ф.* — қул, ғулом, асир; хизматкор; 2. мен, камина, факир.
Баси *ф.* — кўп, ғоят, зиёд, ортиқ, бениҳоя мўл.
Бирён *ф.* — куйган, жизғанак бўлган; **маж.** азоб чеккан.
Битимак — ёзмоқ.
Бонг *ф.* — қичқириқ, бақириқ; баланд овоз, садо; **бонги суруд** — мунгли қичқириқ, қайгули садо.
Булжор — 1. қўшиннинг ҳарбий юриш олдидан тўпланинг жойи, тўпланишга келишилган ўрин; 2. **маж.** ғам-қайғу тўпланинг жой; кулфат йиғилган ўрин.
Вали *а.* — авлиё, азиз киши.
Воқиф *а.* — хабардор, билувчи.
Гардиш *ф.* — айлана, доира, давра.
Гаштгоҳ *ф.* — сайргоҳ, томошабоғ, сайд қилинадиган жой.
Давот *а.* — сиёҳдон, сиёҳ солинадиган идиш.
Даст *ф.* — қўл.
Даҳр *а.* — дунё, олам, жаҳон.
Дод *ф.* — инсоф, адолат, одиллик.
Дол *а.* — араб алифбоси тартиби бўйича тўққизинч ҳарфнинг номи, абжад ҳисоби билан 4 рақамини билдирувчи ҳарф.
Зод *а.* — араб алифбоси тартиби бўйича ўи бешинчи ҳарфнинг номи, абжад ҳисоби билан 800 рақамини билдирувчи ҳарф.
Ибитдо *а.* — бошланиш, аввал.
Калом *а.* — сўз, гап; нутқ; **Каломи илоҳ** — Қуръон.
Китоби Қисас *а.-ф.* — пайғамбарлар қисаси ҳақидаги асар; «Қисасул анбиё» асари.
Қоғаз *а.* — қоғоз.
Кутуб *а.* — китоблар.
Лайл *а.* — тун, кеча, оқшом; **лайлу наҳор** — кечаю эрта; кечаю кундуз.
Мазҳар *а.* — зоҳир бўлиш, намоён бўлган ўрин; **мазҳари ислом** — ислом дини қарор топган жой.
Матлуб *а.* — **маж.** истак, орзу, хоҳиши; **матлуби дил** — кўнгил истаги, дил хоҳиши.
Мафлук *а.* — фалокатга йўлиққан, қийинчиликка дуч келган, қайғуга ботган.
Моҳ *ф.* — ой.
Мумтаҳан *а.* — қайғуга ботган, балога гирифтор бўлган, азоб-уқубатга чалинган.
Мусаммам *а.* — қатъий қарор, қатъийлик, бирор ишга киришишга қатъий қарор қилинган.
Мушавваш *а.* — ташвишли, бесаранжом, алағда; **мушавваш кўнгул** — алағда кўнгил, серташвиш дил.
Наби *а.* — худодан хабар келтирувчи; пайғамбар.
Наззор *а.* — қараш, кўз ташлаш, назар солиш.

Назм *a.* — шеър; шеърият; назм айламак — шеър ёзмоқ; шеърий услугуда битмоқ.

Найм *a.* — неъматлар, яшаш учун керакли нарсалар.

Наср *a.* — проза; прозаик.

Ноз *a.* — тоза, янги; турли-туман.

Нор *ф.* — анор.

Нўг *ф.* — бирор нарсанинг ўткир учи; қалам нўги — қаламнинг учи.

Об *ф.* — сув оби равон — оқар сув.

Обий *ф.* — беҳзи.

Равза *a.* — боғ, гулзор; равзаи ризвон — жаннат боғи.

Равон *ф.* — жўнаш, йўналиш; оқиш, оқим.

Рақам *a.* — ёзув; рақам урмоқ — ёзмоқ, битмоқ.

Ризвон *a.* — маж. жаннат, биҳиши.

Ружуъ *a.* — мурожаат, бирор нарсага берилниш; ружуъ айламак — мурожаат қилмоқ, берилмоқ.

Рўзгор *ф.* — вақт, замон, давр, муддат, рўзгор ўтмоқ — вақт ўтмоқ.

Сафҳа *a.* — саҳифа, бет; сафҳаи қоғоз — қоғоз саҳифаси.

Себ *ф.* — олма.

Силк *a.* — ип; тизим, шода; дар силки назм айламак — назм шодасига тизмоқ, шеър битмоқ.

Собит *a.* — барқарор, бирор жойда қимириламай турувчи.

Сол *ф.* — ийл.

Софинмоқ — эсламоқ.

Соҳибназар *a.* — олдиндан кўрувчи, каромат эгаси.

Субҳ *a.* — тонг пайти, саҳар вақти; субҳу шом — эртаю кеч.

Суруд *ф.* — кичқириқ, сало.

Сўз *ф.* — куйдириш, ўрташ; сўзу таб — маж. азоб-уқубат, изтироблик.

Таб *ф.* — иситма, безгак; маж. қўрқувдан қалтираш, азобланиш.

Тавфиқ *a.* — кўмак, ёрдам, мадад.

Таоло *a.* — энг улуг, энг олий, энг баланд.

Тараф *a.* — хурсандлик, шодлик.

Тақи — яна, тағин.

Тихи даст *ф.* — маж. қўли қуруқ, камбағал, йўқсили, яшаш учун ҳеч нарсаси йўқ.

Тош — ташқари, сирт.

Улус *м.* — эл, халқ, омма.

Уммулбилод *a.* — шаҳарлар онаси.

Фолиз *ф.* — полиз.

Фотиҳа *a.* — дуо қилиш; фотиҳа бирла соғинмоқ — дуо билан эсламоқ..

Чанд *ф.* — неча, қанча.

Шуруъ *a.* — бошлиш, ишга киришиш; шуруъ қилмоқ — киришмоқ, бошламоқ.

Улмоқ — бўлмоқ.

Қаҳҳор *a.* — ғазаб қилувчи, қаҳр этувчи; маж. худо.

Қибал *a.* — сабаб, жиҳат; ушбу қибал — шу сабабдан, шу жиҳатдан.

Фарқа *a.* — ботиш, чўмиш; фарқаи андуҳи фикр — фамга ботиш, қайғуга чўмиш.

Ғусас *a.* — фам, қайғу, ғусса.

Ҳасрат *a.* — 1. афсус, надомат, фам-ғусса; 2. маж. иштиёқ.

Ҳе *a.* — араб алифбоси тартиби бўйича олтинчи ҳарфнинг номи, ажсад ҳисоби билан 8 рақамини билдирувчи ҳарф.

Ҳижрат *a.* — ҳижрий сана, ҳижрий тақвими.

Шеърий асар таҳлили

АЛИШЕР НАВОИЙ

ҲОТАМИ ТОЙИ ҲИҚОЯТИ

*Ҳотами Тойига бир озодаваш,
Дедиким, эй ҳимматинг озодакаш,
Токи саҳо бўлди кафинг варзиши,
Кўрдунг экинму бир ўзингдек киши?
Дедики, бир кун қилибон жашни ом,
Унданб эдим бодия аҳлин тамом.*

*Матбах аро юз тева қурбон эди,
Қўю қўзи беҳаду поён эди.*

*Базм ичидин дашт сори бир нафас
Касби ҳаво айламай эттим ҳавас.*

*Сайдра кўрдум бир асири миҳан
Бир қучоқ орқасиға юклаб тикан,
Жисми уйин айлабон ул юк нигун,
Тиркабон ул уйга асадин сутун.*

*Ҳар қадам олғунча етиб муддате,
Ҳар нафас уруғунча ўтуб фурсате.*

*Солди ул эмгак ўти кўнглумга тоб,
Лутфу тараҳҳум била қилдим хитоб.*

*К-эй қадинг эмгак юки паст айлаган,
Жисмида ғам хори нишаст айлаган.*

*Даштда гўёки хабар билмадинг,
Ҳотам уйи сори гузар қилмадинг?*

*Даъват этиб асрү фаровон букун,
Қилди ёмон-яхшини меҳмон букун.*

*Ташла тикан, гулишани иззатқа ет,
Чекма машаққат, кўпу даъватқа ет.*

*Менда чу фаҳм этти бу навъ изтироб,
Бош кўтариб кулдии берди жавоб:*

*К-эй солибон ҳирс аёғингға банд,
Озу тамаъ бўйнуға боғлаб каманд.*

*Водийи ғайратға қадам урмағон,
Кунгури ҳимматға алам урмағон,*

*Сен доги чеккил бу тикан меҳнатин
Тортмағил Ҳотами Той миннатин.*

*Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж,
Яхшироқ андинки бирор берса ганж.*

*Улки бу янглиғ сўзи мавзун эди,
Мендин анинг ҳиммати афзун эди.*

*Ҳиммат агар бўлса Навоий сенга,
Банда дурур Ҳотами Тойи сенга.*

*Соқи, аёқ тут, карам изҳор қил,
Базлни Ҳотамға намудор қил.*

*Бизда чу май важҳиға камдур дирам,
Камлик эрур биздину сендин карам.*

* * *

Ушбу ҳикоят негизида ўзгалар саҳоватига кўз тикиб яшашдан кўра ўз қўл кучи, меҳнати билан яшаш минг чандон афзалдир, деган ғоя ётади.

Шарқ адабиётида ўзининг ўта саҳийлиги билан номчиқарган Ҳотами Тойидан «Ҳаётда ўзингдек саҳий кишини ҳеч учратдингми?» деб сўрайдилар. Шунда Ҳотами Тойи қуидаги воқеани ҳикоя қилиб беради: Бир куни элу юртни чақириб, катта базм бераётган эдим. Базм пайтида ҳаво олиш мақсадида ташқариға сайдра чиқдим. Шу пайт чўлдан терган ўтинларини эгилиб-букилиб кўтариб келаётган чолга кўзим тушди ва «Сенинг хабаринг йўқмики, Ҳотами Тойи бугун барчани йифиб зиёфат беряпти. Сен бу ўтинларингни ташлаб, базмга бор, Ҳотами Тойи саҳоватидан баҳраманд бўл», дедим. Шунда у менга: — Эй, ҳирсу тамага асир бўлган бандада! Сен бу ўтин меҳнатини чек, Ҳотами Тойи миннатини тортма. Бироннинг миннатли ганжидан ўз меҳнатинг билан топган пулинг яхшироқдир, деб жавоб берди ва у шу жиҳати билан ҳимматда мендан ҳам юксакроқдир» дейди.

Демак, Алишер Навоий ушбу ҳикоятида бошқалар ҳисобига яшашдан, тамагирликдан ор қилиш, меҳнатни улуғлаш баробарида ҳалол яшаш учун чин меҳнат қилишни уқтиради.

Луғат

Аёқ — қадаҳ, жом; аёқ тутмоқ — қадаҳ тутмоқ, май узатмоқ.

Алам а.— байроқ, туғ; алам урмоқ — маж. жазм қилмоқ, киришмоқ.

Асрү — жуда, ниҳоятда: жуда кўп, беҳисоб.

Афзун *ф.* — ортиқ, кўп, зиёда.
Базл *а.* — инъом, эҳсон, ҳадя, баҳшиш, туҳфа.
Бепоён *ф.* — чегарасиз, чексиз, ҳисобсиз.
Бодия *а.* — чўл, дашт, биёбон, саҳро.
Важҳ *а.* — маблаг, пул, мол.
Варзиш *ф.* — иш-ҳаракат, машқ, машғуллик.
Гузар *ф.* — ўтиш: гузар қилмоқ — ўтмоқ.
Даст *ф.* — қўл; даст ранж — қўл меҳнати
Даъват *а.* — чақириқ, таклиф, чорлаш.
Дирам *а.* — танга, пул.
Жашн *ф.* — ўйин-кулги, базм, зиёфат; жашни ом қилмоқ — барчага бирдай зиёфат бермоқ.
Жисми уйи — қомат, қад, гавда.
Каманд *ф.* — сиртмоқ, арқон, банд.
Карам *а.* — яхшилик, сахийлик; эҳсон, марҳамат.
Қасби ҳаво *а.-ф.* — қасби ҳаво айламак — ҳаво олмоқ, ҳаво олиш учун сайд қилмоқ, нафас олиш учун чиқмоқ.
Каф *а.* — кафт.
Кунгур *а.* — девор, қалъа устига тўсиқ учун ишлатиладиган панжара, кунгира.
Мавзун *а.* — гўзал, чиройли, нозик, зебо.
Матбах *а.* — ошхона.
Миҳан *а.* — меҳнатлар, мاشаққатлар, заҳматлар.
Навъ *а.* — хил, тур, тарз.
Намудор *ф.* — намуна, мисол, ўрнак; намудор қилмоқ — ўрнак қилмоқ, мисол кўрсатмоқ.
Нигун *ф.* — эгилган, энгашган, букилган, букчайган.
Нишаст *ф.* — ўтириш.
Озодаваш *ф.* — озода кўринишили, покиза, хушқомат.
Озодакаш *ф.* — нозик табиатли.
Ом *а.* — умумий, барчага баробар; омма, ҳалқ, кўпчилик.
Ранж *ф.* — машаққат, қийинчилик; меҳнат, озор, азоб, оғриқ.
Сахо *а.* — қўли очиқлик, сахийлик, мурувват.
Сутун *ф.* — устун, тиргович.
Тараҳҳум *а.* — раҳм қилиш, шафқат қилиш.
Тева — тую.
Тоб *ф.* — ҳарорат, иссиқлик; кўнгулга тоб солмоқ — кўнгилни қиздирмоқ, қизиқтиromoқ.
Хор *ф.* — тикан.
Экин — экан.
Эмгак — меҳнат.

Грамматика

Асарда ҳозирги ўзбек тилидаги сифатнинг орттирма даражаси кўрсаткичи «жуда» ўрнида «асру» сўзи ишлатилган:

*Даъват этиб а с р у фарован букун,
Қилди ёмон-яхшини меҳмон букун.*

Шеърда «озодаваш», «асири миҳан», «ёмон-яхши» сўзлари сифатланмишнинг туширилиши натижасида оттуркумига кўчган. Бу сўзларнинг сифат туркумida бўй

лиши учун «озодаваш киши», «асири миҳан киши», «ёмон-яхши одам» шаклида келиши тақозо этилади.

«Ки» эргаштирувчи боғловчи билан «эй» ундов сўзи ўзаро алоқага киришиб, «К-эй» шаклида қўлланган: К-эй қадинг эмгак юки паст айлаган; К-эй солибон ҳирс оёғингга банд.

Инкорни билдирувчи «бе-» олд қўшимчаси уюшиқ бўлакларнинг биринчисида келса-да, у кейингиларига ҳам тааллуқли бўлади: Қўю қўзи беҳаду поён эди.

Бу гапдаги «беҳаду поён» бирикмаси маъно жиҳатидан «беҳаду бепоён» (ҳадсиз, чегарасиз) тушунчасини ифодалаб келмоқда.

Стилистика

Асарда ўхшатишни юзага чиқарувчи -дек қўшимчаси, «гўё», «янглиф» сўzlари қўлланган:

*Кўрдунг экинму бир ўзингдек киши?
Даштда г ў ё ки хабар билмадинг.
Улки бу янглиф сўзи мавзуи эди.*

Шеърда Ҳотами Тойи ва унинг сахийлиги билан ўтинчи чол ва унинг қора меҳнати бир-бирига қарамақариши қўйилиши натижасида тазод (антитеза) санъати юзага келган. Ҳотами Тойининг:

*Ташла тикан, гулшани иззатқа ет,
Чекма машаққат, қўпу даъватқа ет—*

деган фикрига ўтинчи чол қарши чиқиб, меҳнатсиз фароғатни қоралайди ва унга дейди:

*Сен доги чеккил бу тикан меҳнатин,
Тортмагил Ҳотами Тойи миннатин.*

*Бир дираам олмоқ чекибан даст ранж,
Яхшироқ андинки, бирор берса ганж.*

Насрий асар таҳлили

ГУЛХАНИЙ

ТОШБАҚА БИЛАН ЧАЕН

Навозанда айтди: «Андоғ эшитганим борки, сангпушт Ироқдин Ҳижоз сари борур эрди. Йўл узасида ноҷор, бир чаёнга йўлдош бўлди. Иккиси заруратдин ҳамроҳ бўлдилар. Аммо сангпушт бағоят фаросатлик эрди. То баҳаддики кўп тажрибалар ҳосил қилған эр-

ди. Аммо чаёнга инон-ихтиёрин бериб, бодиялар қатъ этуб, манозил ва мароҳил тай қилиб юрур эрди. Үшал аснода ногоҳ бир наҳри азимга дучор бўлдилар. Андин ўтар иложини топмадилар... Охирул-амир, сангпушт... муддао истидъосини соҳилға ўзини олди. Фоз ва ўрдакдек силкунуб турди. Ногоҳ, орқасиға боқти, кўрдики, йўлдоши йўлда ҳорғон... найзасини кифтига тик ушлаб, юқори-қуий юрубдур. Сангпушт айтдики: «Эй биродар, сабаб надурки, буён ўтмайсиз?»

Чаён айтди: «Кўз ёшича су бўлса, бизга маъзур ту-тунг». Сангпушт кўнглида айтдики: «Йўлдош бўлмоқ шарти бу эмаски, оз ҳодиса бирла ҳамроҳлик расмини бартараф қилсак, унча хуб эмас. Авло ул-дурки, ўтка-риб қўйсан...»

Алқисса, сангпушт чўлғочини қўлиға олиб, оз ҳара-кат бирла ўзини нажот соҳилиға олди. Айди: «Эй биродар, сени дарёдин ўткаргали ўғрадим. Менинг устимға мин. Бежо ҳаракат қилмаки, ўз жонингға жабр қилур-сен».

Анда чаён: «Ҳар ким ўз маслаҳатини ўзи билур», деб сангпуштнинг орқасиға минди. Дарёға тушиб оқди-лар. Замондин сўнг чаён тебрана берди. Сангпуштга айди: «Бу кун майдонингни васиъ топдим... Бу кун пў-лод найзамни якжирма қалқонингға озмойиш қилас-дерман».

Сангпушт айди: «Сенинг бу хор сифат найзайи бема-жолинг менинг бу якжирма қалқонимға нима кор қил-син?»

Анда чаён айди: «Билганин йўқмуким, ақрабнинг муддаоси ниш урмоқдур, хоҳ дўст кўксинадур, хоҳ душман орқасина»...

Сангпушт... ғаввослардек бир фўта урдиким, ул жа-воҳир термоқда ва чаён жон бермоқда қолди.

* * *

«Зарбулмасал» таркибиға киравчи бу асарда киши-ларни ҳушёрликка, душманга нисбатан сезгир, шафқат-сиз бўлишга чақирилади.

Тошбақа фаросатли, софдил ва дўст учун ҳар қандай тўсиқларни енгиг, қийинчиликларга бардош бера оладиган, дўстликни қадрловчи, душманга нисбатан эса шафқатсиз бўлувчи ижобий образдир.

Чаён эса бутунлай унинг тескариси — яхшиликка ёмонлик қилувчи, тўғри келганга ўз нишини санчувчи,

бадхулқ салбий образдир. Унинг сувдан ўтолмайдиганини билган Тошбақа елкасига ўтказиб сувда сузаётганида қора ниятли Чаён миннатдорлик ўрнига ўз одатига кўра Тошбақа косасига ниш уриб заҳарламоқчи бўлади. Аммо Чаённинг бу қилмиши амалга ошмайди— қабиҳлиги учун Тошбақа уни сувга ғарқ қиласди.

Бу билан Гулханий яхшилик ва эзгуликнинг мангалиги, ёвузлик ва ёмонликнинг эса умри қисқалигини қиссадан ҳисса сифатида талқин этади...

Лугат

Авло а.— яхши, тузук, дуруст.

Азим а.— катта, улур.

Алқисса а.— шундай қилиб, оқибатда.

Асно а.— замон, пайт, лаҳза, ҳол.

Ақраб а.— чаён.

Боғоят ф.-а.— жуда, жуда ҳам, ниҳоятда.

Баҳадди ф.-а.— жуда, ҳаддан ортиқ, ниҳоятда.

Биродар а.— оғайнини.

Бодия а.— чўл, дашт, саҳро.

Васиб а.— кенг.

Ион а.— жилов, тизгин; инон-ихтиёрини бермоқ — маж. ирода ва хоҳишини бериб қўймоқ, ихтиёрини тамоман топширмоқ.

Истидъо а.— хоҳиш, илтимос, талаб.

Коф ф.— иш; кор қилмоқ — таъсир қилмоқ.

Манозил а.— бирлиги манзил; бекатлар, манзиллар.

Мароҳил а.— манзилгоҳ, йўлнинг маълум масофаси; карvonсарой, меҳмонхона, тўхтаб дам оладиган жой.

Маъзур а.— узрли.

Навозанда ф.— куйловчи, наво қилувчи; сўзловчи, ҳикоя қилувчи.

Найза ф.— учи ўткир ҳарбий қурол; маж. ниш.

Наҳр а.— дарё.

Озмойиш а.— синов, имтиҳон.

Охирӯл-амир а.— оқибатда, ниҳоятда, шундай қилиб.

Расм а.— одат, қоида, тартиб.

Сангпушт ф.— тошбақа.

Соҳил а.— қирғоқ.

Тай а.— ўтиш; тай қилмоқ — ўтмоқ.

Уза — уст; йўл узасида — йўл устида, йўлда.

Хор. ф.— тикан; хор сифат — тиканга ўхшаш, тикан сингари, тикандай.

Хўб ф.— яхши, тузук, дуруст.

Чўлғоч — эшкак: чўлғочини қўлига олмоқ — маж. сувда сузмоқ.

Якжирма ф.-а.— маж. қаттиқ, мустаҳкам, айнан бир бутун жисм, яхлит материя.

Ўғрамоқ — хоҳиш, истак; ўткарғали ўғармоқ — ўтказишга қарор қилмоқ.

Қатъ а.— бориш, юриш; бодия қатъ әтмак — чўлда юрмоқ, чўл кезмоқ, дашту саҳродан ўтмоқ.

Ғаввоқ а.— дарё ёки денгиз тубига тушиб дур олувчи мутахассис; сувга шўнғувчи.

Ғұта а.— шүнғиши; ғұта урмоқ — шүнғимоқ.
Хосил а.— маҳсул, иатика; хосил қилмоқ — орттироқ, пайдо қилмоқ.

Фразеология

Дучор бўлмоқ — ўйлиқмоқ, учрашиб қолмоқ.

Якжирма қалқон — қаттиқ елка, қаттиқ коса.

Муддао истидъосининг соҳилига ўзини олмоқ — қирғоққа чиқмоқ.

Пўлод наиза — ниш; чаённинг ниши.

Жавоҳир термоқ — маж. қутулмоқ, озод бўлмоқ.

Эшак ўйини қирқ йилда — пайти келиш, имкони борида.

Грамматика

Қаратқич келишиги қўшимчаси аксарият ҳолатда **-ни** шаклида келади: *Билганинг йўқмиким, ақрабни муддаоси ниш урмоқдур*. Тушум келишиги қўшимчаси насрой асарда ҳам **-н** тарзида қўлланиши мумкин: *Чаёнға инон-ихтиёрин бериб... -дир боғламаси -дур шаклида учрайди: Эй биродар, сабаб надурки, буён ўтмайсиз*.

«Хоҳ» сўзи такрор қўлланганда боғловчи вазифасини бажаради: ...*ақрабнинг муддаоси ниш урмоқдур, хоҳ дўйст кўксинадур, хоҳ душман орқасина*.

-моқда (-моғда) қўшимчаси асар учун сермаҳсулдир: *Сангпушт... гаввослардек бир ғўта урдиким, ул жавоҳир термоқда ва чаён жон бермоғда қолди*.

Феълнинг орттирма даражаси қўшимчаси **-каз** (-киз) асарда **-кар** шаклида ишлатилган: *Авло улдурким, ўткариб қўйсам*.

Стилистика

Ўхшатиш. Бу усул қуйидаги воситалар ёрдамида юзага чиқади:

1. «сифат» сўзи ёрдамида; *Сенинг бу хор си фат наизайи бемажолинг мени якжирма қалқонимға не кор қилсун?*

2. -дек қўшимчаси ёрдамида: *Fоз ва ўрдакдек силкиниб турди*.

3. -ча қўшимчаси ёрдамида: *Кўз ёшича су бўлса, бизга маъзур тутиңг*.

Жонлантириш. Бу усул Тошбақа ва Чаёнларнинг аллегорик тарзда худди инсонлар сингари сўзлашиши орқали баён этилган: *Сангпушт айдики: Эй биродар, сабаб надурки, буён ўтмайсиз? Чәён айди: Кўз ёшича су бўлса, бизга маъзур тутиңг*.

Драматик асар таҳлили

МАҚСУД ШАЙХЗОДА

«МИРЗО УЛУГБЕК» ТРАГЕДИЯСИ

Мақсад Шайхзоданинг оқ шеър шаклида ёзилган бу трагедияси 1961 йилда яратилган бўлиб, ёзувчи ижодининг чўққиси ҳисобланади. Унда ўрта асрнинг буюк олими, давлат бошлиғи Мирзо Улугбек ҳаётининг сўнгти икки йили тасвирланган.

Асарнинг асосий мазмун ўйналиши илгор кучлар билан жаҳолатнинг ўзаро курашидан иборатdir. Ёзувчи шу кураш жараёнини тасвирлар экан, Мирзо Улугбек фожиасини ижтимоий тузумдан ва шу тузумдаги аёвсиз зиддиятлардан излайди.

Мақсад Шайхзода бу асарида ижтимоий воқеликни ҳам тарихчи, ҳам ижодкор сифатида аниқ ёритиб бера олган. Асарда Улугбек, Абдуллатиф, Гавҳаршодбегим, Али Қушчи, Саккокий, Шайхулислом Бурҳониддин, Хўжа Аҳрор, Саид Обид, Абдураззоқ Самарқандий, Қози Мискин каби тарихий шахслардан ташқари воқеликни, Улугбек образини ҳар тарафлама очиб бериш мақсадида ёзувчи томонидан ижод қилинган Фирузга, Ота Мурод, Бердиёр, Пири Зиндоний, Бобо Кайфий, Кўр Қаландар сингари тўқума образлар ҳам учрайди.

Асар тили ҳақида. Ёзувчининг тилдан моҳирлик билан фойдалана билиши, қаламга олинаётган давр тили хусусиятларини иложи борича асар руҳига сингдира олиши асарнинг қимматига қиммат қўшади.

Мақсад Шайхзода ушбу трагедиясида ўша давр тили унсурларини сингдиришга ҳаракат қилгани ҳолда баъзи чекланишларга ҳам йўл қўйган. Масалан, асарда феъл шакллари «тиқдик», «иҷдик», «кетдик», «эшитдим», «ҳибс этган», «жазм этдим» шаклида берилган. Ваҳоланки XV асрдаги ўзбек тили сингармонизмни ўзида сақлаган эди. Шу асосда қўшимчаларнинг барчаси феъл ўзакларига жарангизз вариантда қўшилишини тақозо этади: «тиктим», «иҷтиқ», «кеттиқ», «эшиттим», «ҳибс эткан», «жазм эткан» кабилар.

Ўша давр тилига хос хусусиятларнинг бузиб берилиши Саккокий қасидасидан келтирилган парчада ҳам кўринади.

*Жаҳондин кетди /?/ ташвиши мабодийи амон
келди,*

*Халойиқ, айш этинг бугун /?/, сурори жовидон
келди.*

*Аё, шоҳо, малаксайрат /?/, сенинг васфинг сўзи
иҷра*

Ўқигин /?/ энди /?/ олингда яна бир достон келди.

*Салотин дунёда кўб келдию кечди /?/ сенингдек /?/
бир—*

*Фалакнинг гар тили бўлса, айитсинким /?/. қачон
келди...*

*Шаҳо, лутфингни ?/ топқум деб дуочи банда
Саккокий,*

*Белин жони била боғлаб бу хизматга /?/ равон
келди.*

Келтирилган бу парчадаги савол аломатли сўзлар ўша давр тили нуқтаи назаридан «кетти», «бу кун», «малаксийрат», «ўқифил», «эмди», «кечти», «сенингтек», «айитсинким», «лутфунгни», «хизматқа» шаклида бўлади.

Бундан ташқари, ҳар қандай адаб асарнинг лексикатламини баён этишда, қаламга олинаётган давр тилини ҳам назарда тутиши лозим. Чунки тарихий мавзуларга бағишлиланган асарларда янгича сўзларни ишлатиб бўлмаганидек, ҳозирги давр мавзусига бағишлиланган асарларда ҳам архаик сўзларни қўллаш яхши натижабермайди.

Мазкур асарда иккинчи парданинг биринчи ва тўртинчи кўринишида ва бешинчи парданинг иккинчи кўринишида Улугбек нутқида «авахта» сўзи қўлланган:

*Ҳай, муҳтасиб, сизга қолса бутун миллатнинг
Ярми чириб кетар эди а в а х т а ларда...*

*Шу туфайли бандда кўриб уни, танишиб
А в а х т а да қолсин деди сulton Улугбек...*

*Амир Темур ҳимматидин Улугбек сўзим:
А в а х т а д а н бўшатилсан Пири Зиндоний!*

Бунда «авахта» ўрнида «зиндон» сўзининг қўлланиши жоиздир. Чунки «авахта» сўзи немисча «ҳауптвахта»нинг бузилган шакли бўлиб, ўзбек тилига рус тили орқали кейинги даврда кириб келган.

Лугат

Авахта н. — қамоқхона, турма.

Аваға — чевара.

Авомун-нос а. — одамлар гуруҳи, кишилар тӯдаси: омма, халқ, асли авом — омма, ун — боғловчи, нос — киши, инсон, одам.

АЗИМ а. — катта, улкан, буюк.

АЗОЗИЛ а. — иблис, шайтон.

Алаш — алаш қилмоқ — оломон қилмоқ, кўпчилик бўлиб ҳукмсиз жазоламоқ, оломон бўлиб ўртага олмоқ.

Альон а. — ҳозир, шу пайтда, айни вақтда.

Алҳазар а. — худо сақласин; сақланиш, ҳазар қилиш.

Амон а. — паноҳ, најот.

Арзи ҳол а. — ариза.

Аросат а. — маж. ғавғо, тўполон, ур-ийқит.

Асо а. — ҳисса.

Асфалас-соғилин а. — дўзахнинг энг таги, жаҳаннам.

Аълоҳазрат а. — юқори мартабали шахсларга ҳурмат юзасидан му- рожаат қилиб айтиладиган сўз; жаноби олий.

Аҳоб а. — дўстлар, ўртоқлар.

Аҳком а. — ҳукмлар: аҳкоми дин — дин ҳукмлари.

Бадавий а. — маж. саҳроин; асли арабларнинг саҳрода яшовчи бир ургуи.

Бадрафтор ф. — қилиғи совуқ; иғвогар, ғаламис.

Башар а. — инсон, одам, мардум, одамзод.

Бидъат а. — диний ақидаларга киритилган ислоҳ, динда кейин пай- до бўлган янгиликлар.

Билкуллия а. — батамом, бутунлай, тамомила.

Биллоҳ а. — қасамни билдирувчи сўз: Бахудо! Худо урсин! Худо ҳақи!

Биру бор — маж. тангри, худо, оллоҳ: асли яккаю ягона, ёлғиз, доимий, мавжуд.

Бозоргон ф. — савдогар, савдогарчилик билан шуғулланувчи киши.

Валиаҳд а. — таҳт вориси.

Воасафо а. — водариф, воҳасрато: ҳайҳот, афсус, эсиз.

Волида а. — она.

Густоҳ ф. — одобсиз, беадаб, беандиша, сурбет.

Дарвеш ф. — тарки дунё қилган, бу дунё ишларидан воз кечган киши.

Дастпарварда ф. — қўлда тарбияланган, ҳузурида тарбия кўрган, қўлбола тарбия кўрган.

Дастур ф. — иш-ҳаракат учун қўлланма, йўл-йўриқ, низом.

Даҳма ф. — қабр устига ўрнатилган ёдгорлик, мақбара.

Даҳа ф. — вилоят ёки шаҳарнинг маъмурий-ҳудудий бўлими, район, ноҳия, туман.

Даҳрийлик — худога ишонмаслик, динсизлик, худосизлик.

Дебоча — маж. кириш, муқаддима, бошланиш.

Девонбеги — Ўрта Осиёда подшо ва хон саройида девоннинг ёки айрим вазирлик маҳкамаларининг бошлиқлари.

Диёнат а. — дин қонун-қоидаларига қаттиқ амал қилиш, диндор-лик, тақводорлик.

Доруға м. — Ўрта асарларда Олтин Ўрда, Ўрта Осиё ва Эронда вилоят, ўлка, шаҳар ҳокими, шаҳар назоратчisi, шаҳар бошлиғи.

Дубулға — тиғ ёки ўқдан сақланиш учун темир ёки пўлатдан ишланган бош кийим; щлем, каска.

Ерлиғ — расмий рухсат ҳужжати, фармон, буйруқ.

Еғи — душман, ёв.

Жовидон ф. — абадий, доимий, мангу.

Жоме а. — марказий масжид.

Жұвонбаҳт ф. — баҳтили, баҳтиёр, толеи баланд.

Заифа а. — хотин, аёл, қиз.

Заковат а. — ақл, идрок, фаҳм, фаросат.

Закот а. — Үрта Осиё хониларида чорва ва мол-мулкнинг қирқдан бир улуши миқдорида ҳар йили давлат хазинасиға олинган солиқ.

Зеру забар ф. — остин-устун, толотуп; **маж.** вайрон: *асли зер — таг. забар — уст.*

Зикр а. — **маж.** мусулмонларнинг бирор руҳоний бошчилигига давра қуриб худо ва азиз-авлиәларнинг номларини баланд овоз билан тилга олиб, ғайри-табии ҳаракатлар, телбалар сингари жазава билан ўтказадиган маросим номи.

Зиллат а. — хор-зорлик, қадрсизлик, таҳқирланиш.

Зол а. — **маж.** зийрак, ақли ўткир; *асли* кекса киши.

Зуллолоҳу фил-арз а. — худонинг ердаги сояси; **маж.** тангрининг ердаги ишончли кишиси.

Зулмат а. — 1. қороннилик. 2. **маж.** нодонлик, жаҳолат.

Зуғум а. — **маж.** қайғу, руҳан эзилиш, андуҳ; *асли* зақум ёки зақум — сутсимон ширасида ўткир заҳарли модда бўлган дарахт.

Ивиргувчи — бошқарувчи, қайиравувчи, эвирувчи.

Издиҳом а. — жам бўлиб, биргаликда, жамликда.

Изн а. — рухсат, ижозат.

Ислом а. — мусулмон дини.

Истифода а. — фойдаланиш.

Ифтиро а. — бўхтон, туҳмат,

Иқомат а. — истиқомат құлмоқ, яшамоқ, манзил тутмоқ.

Йитмоқ — йўқолмоқ.

Қалом а. — сўз, жумла.

Қамарбасталик — ҳар доим бирга, мудом ёнма-ён.

Кечмак — кетмоқ; **маж.** оламдан ўтмоқ, вафот этмоқ.

Қоинот а. — осмон сфераси, космос.

Қоғир а. — динсиз, ислом динини инкор этувчи шахс.

Қошона ф. — кўркам ва ҳашаматли бино.

Лобид а. — муқаррар, бажарилиши зарур, амалга ошмаслиги мумкин эмас, *асли лобуд (д)* — ночор, ноилож.

Мабодий а. — бошланиш, келиб чиқиши жой; манба, асос.

Мавлоно а. — олим ва фозил кишиларни, устозларни улуғлаб, уларнинг номларига қўшиб ишлатиладиган сўз.

Маддоҳ а. — одамлар гавжум жойларда диний мазмунда вазъ, пандасиҳат айтиб тирикчилик қилувчи киши; **маж.** мақтовчи, мадҳ қилувчи.

Мазҳаб а. — **маж.** ўз қарашлари ва ақидалари билан бошқалардан ажралиб қолган гуруҳ, секта.

Малаксайрат а. — малакка ўхшаш, малак сингари, фаришта каби; *асли* малаксайрат.

Мальян а. — лаънати, лаънатланган.

Манкуҳа а. — никоҳдаги қонуний хотин.

Манғур а. — нафратлантирувчи, нафратга лойиқ, жирканч.

- Маъмур а.** — амр, фармон.
- Мақбара а.** — қабр устига қурилган бино.
- Мағриб а.** — фарб
- Маҳрам а.** — ишончли хизматкор.
- Маҳшар а.** — диний эътиқодга кўра дунё тамом бўлгандан кейин бутун ўлган кишилар тирилиб, сўроққа тўпланиш куни; қиёмат, охират.
- Минбайд а.** — бундан кейин, бундан сўнг.
- Монолог г.** — саҳна ёки бошқа адабий асар иштирокчиларининг ўзига, бошқа иштирокчиларга ёки томошабинларга қаратилган нутқи.
- Мужоҳид а.** — дин учун курашувчи.
- Музайян а.** — безалган, безакли.
- Музтар ф.** — ожиз, муҳтож, бечора, шўрлик, камбагал.
- Мулозим а.** — ходим, хизматчи.
- Мунажжим а.** — юлдузларга қараб фол кўрувчи киши; астролог.
- Мўрид а.** — руҳоний ёки устознинг шогирди, эшон ёки пирнинг мухлиси.
- Муфти а.** — шариат қонунларини талқин қилувчи, шариат ва ҳуқуқ масалалари юзасидан ҳукм чиқарувчи, фатво берувчи лавозимли киши.
- Муҳтасиб а.** — шариатга хилоф ишларни текширувчи, дин тартибларини назорат қилиб борувчи диний амалдор.
- Мўмин а.** — мусулмон, ислом динидаги киши.
- Навкар ф.** — ҳукмдорларнинг ҳарбий аскари; сарбоз.
- Насаб а.** — келиб чиқиш, насл, авлод, аждод.
- Низом а.** — маж. давлатни тартибга солиб турувчи қонда.
- Ноҳалаф ф.-а.** — ноасл, таги паст, нокас, разил.
- Обхона ф.** — зах ва қоронги қамоқхона; зиндон; *асли об* — сув, *хона* — уй.
- Олат а.** — асобоб.
- Омий а.** — саводсиз, ўқимаган.
- Омода ф.** — тайёр, ҳозир, муҳайё.
- Ориф а.** — маърифатли, доно, билимли.
- Осий а.** — гуноҳкор, айбли.
- Офоқ а.** — уфқлар; *офиқи жаҳон* — маж. бутун жаҳон.
- Ошифта ф.** — севиш, кўнгил бериш, ошиқ бўлиш; *асли ошуфта*.
- Оқпадар** — отаси лаънатлаган, отаси оқ қилган; отанинг фарзанддан воз кечиши.
- Оҳангар ф.** — темиричи.
- Пайгирнома ф.** — трубка шаклида ўралган, узун қофозга ёзилган хат, нома.
- Пир ф.** — диний бошлиқ, диний раҳбар.
- Пок ф.** — тоза.
- Посбон ф.** — қўриқчи, соқчи, қоровул; эшик ёки дарвозада қоровулликда турган киши.
- Раддибадал а.** — ҳамлани қайтармоқ, басма-бас турмоқ, жангда душман ҳужумини бирма-бир қайтармоқ.
- Расадхона ф.** — обсерватория, махсус асбоблар ёрдамида осмон жисмларини кузатиш билан шуғулланувчи жой.
- Расм а.** — урф-одат, таомил.
- Риёзий а.** — ҳисоб илми, математика; *риёзий қонун* — математик қонуният.
- Сабий а.** — бола, гўдак, фарзанд.
- Сабоқдош а.-ф.** — бирга ўқиган, сабоқ, дарс олган киши, мактабдош.

Сайд а.— Мұхаммад пайғамбар авлодларига мансұб киши.

Сайхун — Сирдарёning эски номи.

Салотин а.— сұлтонлар, подшолар.

Салоқият а.— қобилият, түғрилик, иқтидор.

Салтанат а.— подшо, хон, амир ҳукмронлиги остидаги давлат.

Сарбадор ф.— XIV асрда Эрон ва Ўрта Осиёда мұғуллар ва ма-
ҳаллий феодаллар зулмiga қарши күтарилған халқ озодлик ҳа-
ракати қатнащчысы.

Сағана ф.— қабр устига қурилған бино.

Себ ф.— олма, себи **Самарқандий** — Самарқанд олмаси.

Сипоқ ф.— жангчи, аскар.

Соб — **соб** бўлмоқ — **маж.** ишдан чиқмоқ, адойи тамом бўлмоқ.

Сокит а.— сукут, жимлик, пауза.

Сония а.— секунд, бир лаҳза.

Соҳибқирон а.— **маж.** Амир Темурнинг унвони; **асли** баҳтли бўлиб
туғилған, ўлдузи чарақлаган.

Сувсамоқ — чанқамоқ.

Судхўр ф.— қарз бериш эвазига фойда оловчичи, наф кўрувчи.

Султон — подшо, шоҳ; амир, хон, ҳокимият бошлиғи.

Таадди а.— зулм, тажовуз.

Таассуб а.— маслак, эътиқодга кўр-кўrona әргашиб; фанатик.

Талабул-ильм а.— илм ҳоҳиши, илм талаби. **Талабул-ильм фаризатун**
ало кулли муслиму муслимот — илм ҳоҳиши барча мусулмон-
лар учун мажбурийдир.

Талоқ а.— никоҳни бузиш, бекор қилиш ҳақидаги эр томонидан
айтиладиган сўз; **асли** ҳалослиқ, озодлик.

Талоқнома а.-ф.— никоҳни бузиш, бекор қилиш ҳақидаги ҳужжат.

Таносиб а.— муносабат, боғланиш; мутаносиблик, тенг боғланиш;
пропорция; **таносиби Питлимюс** — Птоломейнинг пропорционал
жадвали.

Тариқат а.— йўл, усул, тарз.

Тархон — Ўрта асрларда ҳокимият томонидан ҳар қандай мажбу-
риятлардан озод қилинган киши; имтиёзли қабила, уруғ, зот
ёки мансабдор.

Таъбир а.— таъриф-тавсиф.

Таҳқиқ а.— ҳақорат қилиш, хўрлаш, камситиш.

Тийнат а.— хулқ-атвор, табиат; характер.

Тирамоҳи ф.— кузги; **асли** тира, **тийра** — қоронғи, **моҳ** — ой.

Тортиқ — совға, ҳадя.

Туман — 1917 йилгача Ўрта Осиёдаги маъмурӣ-ҳудудий бў-
линиш; уезд.

Туғ — байроқ; тинчлик байроғини ўрнатмоқ — **маж.** тинчлик ўр-
натмоқ, осойишталикни таъминламоқ.

Тўра — катта амалдор, ҳоким, зодагон, аристократ.

Ува — водий, пасттекислик.

Урфон а.— илму фан, маърифат.

Файз а.— ўзига жалб қиладиган, завқ-шавқ бағишлийдиган хусу-
сият; жозибадорлик, кўрк; **файз олмоқ** — кўркамлашмоқ.

Фасод а.— тартибсизлик, ахлоқсизлик; фитна, ифво.

Фатво а.— диний қонун юзасидан бирор масала ёки даъвонинг
тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида ёзма ё оғзаки баён этилган
фикр.

Фозил а.— ўқимишли, билимли.

Фоний а.— тез ўтиб кетадиган; ўткинчи, омонат дунё ҳақида.

- Фонус** г.—1. Одатда қўлда кўтариб юриладиган ёки бирор жойга ўрнатиладиган, шамол ва ёғиндан муҳофаза қилинадиган чироқ; 2. маж. ой.
- Фуқаро** а.— бирор мамлакатнинг доимий граждани, мамлакат ахолиси.
- Хабис** а.— пасткаш, палид, разил, бадкирдор, ярамас, тубан.
- Хирож** а.— феодализм даврида дәҳқонлардан олинадиган солик.
- Хонақоҳ** ф.— масжиднинг намоз ўқиладиган хонаси.
- Хоника** — хонбека, хоним.
- Хоқон** — хон, подшоҳ.
- Худованд** ф.— худо, оллоҳ, тангри.
- Хун** ф.— қон: **хун талаб қилмоқ** — товоң сўрамоқ, қонли ўч талаб қилмоқ.
- Хурофот** а.— диний сафсаталар, бемаъни диний гаплар, диний ўйдирмалар, асоссиз диний фикрлар.
- Хусумат** а.— кек, адоват, кўролмаслик; қасд, душманлик.
- Хусуф** а.— ойнинг тутилиши.
- Чилангар** ф.— металл буюмларни қўлда ясовчи, тузатувчи мутахассис.
- Чистон** ф.— жумбоқ, топишмоқ.
- Шабхун** ф.— душман, йўлтўсар ёки ўғрининг кечаси тўсатдан қилган ҳамласи.
- Шавкатмаоб** а.— қувватпеноҳ, қудрат эгаси.
- Шажара** а.— маълум бир уруғ авлодларининг келиб чиқиши ва ўзаро қариндошлик даражасини изчиллик билан санаб кўрсатувчи рўйхат, тарих; *асли дараҳт*.
- Шайхулислом** а.— мусулмон руҳонийлари бошлигининг унвони ва шу унвонга эга киши; бош руҳоний.
- Шаръий** а.— қонуний, шариат қонуни асосида, шариатли.
- Шафоат** а.— шифо, малҳам, даво.
- Шаҳид** а.— дин ёки мазҳаб йўлида ҳалок бўлган шахс.
- Шаҳриёр** ф.— жаноби олийлари, шоҳаншоҳ, буюк шоҳ, олий ҳазрат.
- Элат** — эллар, юртлар.
- Эпашанг** — лапашанг, нўнок, ношуд.
- Ясовул** — Урта Осиё хонликлари даврида юқори мансабдаги амалдорларга хизмат қилувчи қуролли соқчи.
- Үлпон** — дәҳқонлардан ердан фойдаланганлиги учун олинадиган солик, ер солиги.
- Қаландар** ф.— диний ғазаллар ўқиб, мусулмон динини тарғиб қилиб, дарбадар кезувчи дарвеш, бу дунёдан воз кечиб, тарки дунё қилган киши.
- Қандил** г.— бир неча шам қўйиладиган осма чироқ, чилчироқ, люсттра; *асли қанделябр*.
- Қасида** а.— бирор шахс, айниқса ҳукмдорлар мадҳига багишилаб ёзиладиган шेър.
- Қиблагоҳ** а. ф.— ўта ҳурматга лойиқ киши (масалан, ота, она) га мурожаат шакли.
- Қиблайи олам** а. ф.— маж. шоҳ, хон, амир ва шу каби ҳукмдорларга ҳурмат юзасидан мурожаат («жаноби олийлари», «олийҳазрат» ўрнида); *асли жаҳоннинг оламнинг қибла тарафи*.
- Қози** а.— ўтмишда шариат қонуни бўйича иш кўрган амалдор шахс; судья.
- Қопқа** — эшик.

Қосир а. — құсурли; ақли қосир — ақли нүқсонли, құсурли, ақли заиф, телбанома.

Ғаним а. — ёв, душман, рақиб.

Ғози а. — мұқаддас урушда қатнашувчи, үз эътиқоди йўлида жанг қилувчи; жанговар.

Ҳамду сано а. — худо шаънига айтиладиган мақтov сўзлар; мадҳ, мадҳия.

Ҳасанот а. — яхшиликлар, әзгуликлар; хайрли; қадамларига ҳасанот — хуш келибдилар, пойқадамлари муборак.

Ҳасорат а. — тўсиқлар, тўсқинликлар.

Ҳижрий а. — мусулмонларнинг эски йил ҳисоби (Муҳаммад пайғамбарнинг ўз яқин қавмлари билан милодий йил ҳисобида 622 йил 16 июля Маккадан Мадинага кўчиши билан боғлиқ ҳижрий йил ҳисоби).

Фразеология

Қош қораймоқ — кеч бўлмоқ, қоронғилик тушмоқ.

Қўзга ташланмоқ — кўринмоқ.

Тил бириктирмоқ — бирор иш-ҳаракат ҳақида маҳфий равишда ўзаро келишиб олмоқ, гапни, маслаҳатни бир ерга қўймоқ. аҳду паймон қилмоқ.

Қовушган юраклар — севишганлар, бир-бирига кўнгил қўйган кишилар.

Бурни қонамоқ — зарар кўрмоқ, шикаст емоқ, азият чекмоқ.

Бошдан кечмоқ — боши кесилмоқ; ўлмоқ, вафот этмоқ.

Хунини талаб қилмоқ — а) ўч олмоқ, интиқом талаб қилмоқ; б) ўлдирилган бирор кишининг қони учун пул ёки ҳақ талаб қилмоқ, товон сўрамоқ.

Оқ бўлмоқ — ота томонидан лаънатланмоқ; воз кечилган, юз ўгирилган.

Тилга тил тегизмоқ — меҳрибонлик қилмоқ, суймоқ.

Тилга киргизмоқ — гапиртирмоқ, сўзлашга ўргатмоқ.

Бел боғламоқ — бирор ишни бажаришга киришмоқ, ҳозирланмоқ.

Тинкаси қуримоқ — ҳолдан тоймоқ, аҳволи танг бўлмоқ.

Сабр косасини тўлдирмоқ — тоқатини тоқ қилмоқ, ортиқ чидашга тоқати қолмаслик.

Қалава ечилгани йўқ — жумбоқнинг сабаби топилгани йўқ, бирор воқеанинг сири ечилмади.

Оғзи маҳкам — сир сақлайдиган, ҳар қандай сирни гапиравермайдиган, сир бермайдиган.

Чўллаб қолмоқ — чанқамоқ, сувсамоқ.

Бир ёстиққа бош қўймоқ — турмуш қурмоқ, эру хотин бўлиб яшамоқ.

Севги боғчасидан гул термоқ — севмоқ, муҳаббат қўймоқ.

Пуч бўлмоқ — енгилмоқ, мақсадга эриша олмаслик.

Умидсиз шайтон — умид қилиш, умидини узмаслик, умидворлик билан ҳаракат қилмоқлик, ноумид бўлмаслик.

Юракни олдирмоқ — қўрқмоқ, ҳайиқмоқ, хавфсирамоқ, чўчимоқ.

Лашкар тортмоқ — бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга қўшин билан бостириб бормоқ.

Уйдирма гап — ёлғон, бўхтон.

Кўзи очилмоқ — ҳамма нарсани тушунмоқ, моҳиятини англамоқ, оқ-қорани танимоқ.

Стилистика

Метафора. Асарда қўлланган метафоралар мазмунига кўра ижобий, салбий ва бетараф ҳолатда бўлади. Ижобий метафоралар «малаксайрат» («малаксийрат»), «шунқор» сўзлари орқали берилган бўлиб, «малаксайрат» — фариштага ўхшаш, «шунқор» — лочин маъноларини беради ва уларнинг биринчиси поклик, озодалик, хушхулқлик, гўзаллик тимсоли бўлса, иккинчиси жасурлик, қўрқмаслик, ботирлик рамзидир:

*Аё, шоҳо, ма ла к са й ра т, сенинг васфинг сўзи
и чра,*

Ўқигин энди олингда яна бир достон келди.

Сен қайдасан, ҳай Бердиёр, Чотқол шун қ о р и.

Асарда қўлланган салбий маънодаги метафора сўзлар «бўри», «شاқал», «ёввойи ит», «япалоқ», «кўршапалак», «пашша», «чивин», «девона», «пес» сингарилардир.

Улугбек ва у бошлиқ олижаноб руҳдаги кишиларга қарши курашган фитначилар, золимлар ваҳшийлик, қонхўрлик, ёвузлик рамзи бўлган бўри, шақал ва ёввойи итларга ўхшатилади:

*Давлатимиз танасини ғажиб йиртмоқчи
Шақалларнинг галасини тўзғитиб келдик.*

Сен инсонми ёки одам шаклида бўри?

Ёввойи ит қаландарлар дайдиб юрмоқда.

Ўзбек тилида бойўғли, япалоқ, кўршапалак каби қуш ва жониворлар хароба ва зулмат, қурт эса кемириб қуртишилик рамзи сифатида тушунилади ва адолатни бўғмоқчи бўлган қора кучлар уларга ўхшатилади.

*Уұ... Бұ манфур б о й үғ л и л а р, нұр душманлари,
Умримизга әгөв бўлган ҳароми қ у р т л а р.
Эҳ, номардлар, я п а л о қ л а р,
К ү р ш а п а л а к л а р,
Қоронгида фақат сизнинг ишингиз унар!*

Пашша ғинғиллаб учиш, хиралик қилиш ва ифлос жойларда бўлиш рамзи бўлса, чивин қон сўриш тимсоли ҳисобланади ва улар ҳам ифвогар кучларга нисбат берилади:

*Майли, п а ш ш а, майли, ч и в и н ғ и н ғ и н ғ и л л а й
берсин,
П а ш ш а н и ҳ а м, т о в у ш и н ҳ а м у ч и р а р ш а м о л .
Б ў ҳ т о н ч и л а р ҳ у н а р и д у р т у ҳ м а т — и ф т и р о .*

«Пес» сўзи ғаламислик, фисқу фасод рамзи саналади:

*Б о я ш о ҳ г а т у ҳ м а т д е г а н п е с н и н г о в о з и
К ў р қ а л а н д а р подшоҳга аишадий душман.*

«Девона» сўзи телбалик тимсолидир:

*Давлатпаноҳ, изн беринг, шу д е в о н а н и
Тилка-пора қилиб ташлай!*

«Жонивор» сўзи аслида бетараф маънога эга бўлиб, у инсонларга нисбатан қўлланганда салбий тус олади:

*Ш у Б у р о қ б е к д е г а н г о я т ё в у з ж о н и в о р ,
Ў з и ю р т г а б е к б ў լ м о қ л и к м а қ с а д и д а у
Ў з отасин, қардошларин сўйиб ташлаган.*

Синекдоха. Асарда бутуннинг қисми ўрнида қўлланиши қўйидагича:

*Ассалом, эй Самарқанднинг вафокор ҳалқи!
Сенга зафар ва осойиш келтирдим алъон.
Шоҳ отасин ҳашаматли юришин
Катта-кичик, турку тоҷик кўролсин.*

Бу мисоллардаги бирлик ёки қисм маъносини билдириб келаётган «сен», «катта-кичик», «турку тоҷик» бутунлик ва жамликни билдирувчи «ҳалқ» сўзи ўрнида қўлланган.

Қўйидаги мисолда «фуқаро» сўзи асар қаҳрамони Ота Муродга нисбатан ишлатилган:

Сайд Обид

Буюринг, султон:

Бу густоҳни ясовуллар ҳайдаб жўнатсан,

Токи сизга дилозорлик етмасин бунда.

(Ота Муродга дўқ билан)

Билмайсанми, давлатпаноҳ сафардан толган

Улугбек

Сайд Обид, фуқара онинг йўлини тўсмангиз!

Эпитет. Киши, нарса ёки воқеиликнинг бирор белгисини, хусусиятини, сифатини аниқ, равшан кўрсатиб берувчи бадиий тасвир воситаси бўлиб, у шундай белги, хусусият, сифатларни ифодаловчи сўз ва сўз бирикмаларидан иборат бўлади: *Шоирсиз юрт бир боғдирки, булбули ўлган.*

Бу мисолда юрт боққа ўхшатилаётган бўлса, «булбули ўлган» бирикмаси эса алғов-далғов бўлган маъноси ни билдириб, боққа нисбатан сифатлаш вазифасини ўтаяпти.

Қўйидаги мисолда «коинотнинг ёш келини» бирикмаси «моҳтоб» ойнинг сифатланмишидир:

*Анов тоғлар орқасида, булут сиртида,
Коинотнинг ёш келини моҳтоб ўрмалар.*

Ўхшатиш. Асарда ўхшатиш усули лексик ва грамматик воситалар ёрдамида юзага чиқади.

1. Лексик воситалар қўйидагилар:

а) «каби» кўмакчиси ёрдамида: *Келинларим каниз каби турсин хизматда;*

б) «ўхшар», «ўхшайсиз» сўzlари ёрдамида: *Ниқоб кийган кушандага ўхшар коинот. У хат ўхшар... Абдуллатиф хатига, устоз! Сиз одамга ўхшайсиз у одам эмассиз;*

в) «гўё юкламаси ёрдамида: *Гўё сирли самовотда биронта қасд бор.*

*Сени кўрдим ва янгитдан яшарди кўнглим,
Гўё энди умрим мангу, йўқ гўё ўлим.*

г) «худди» сўзи ёрдамида. Бу сўз контекстда -дай аффикси билан биргаликда қўлланади:

*Сўнгра, Темур авлодига ҳудди хизматдай
Хотин олмоқ сиёсий бир вазифа бўлди.*

д) «бўлиб» равишдоши ёрдамида: *Зулук бўлиб эл қонини сўрган ҳайвонлар.*

е) «ранг» сўзи ёрдамида:

*Ой сузади фируза ранг самоват аро,
Фируза ранг кўкка берар ой доим оро.*

ё) «шаклида» сўзи ёрдамида: *Сен инсонми ёки одам шаклида бўри?*

ж) «хос» сўзи ёрдамида: *Унинг қиёфаси кўчманчи босқин элатларига хос ҳайбатли ва бадавий.*

з) «қаторида» сўзи ёрдамида:

*Бизнинг қизга улар йигит тўнин кийгизиб,
Талабалар қаторида олиб кишишган.*

и) «тенглаштириб» равишидоши ёрдамида: *Аббоснинг «ошиқ» лигини қизининг олиб қочилишига тенглашиб ириб Улугбекка заҳарханда қилди.*

2. Грамматик воситалар қуйидагилар:

а) -дай, -дек қўшимчалари ёрдамида:

Манкуҳангиз Фирузаой фариштадек пок!

Хатни қониб, йиртиб олди сиртлондай чаққон.

Кўз чўғидек асраб боқдим Абдуллатифни.

Аббос эшик олдига ҳайкалдай қотиб турарди.

б) -ларча аффикси ёрдамида: *Буроқбек бўрила рча хавфсираб турганда Девонбеги... тиз чўкишига мажбур этди.*

в) -ча аффикси ёрдамида:... (*Нигор ойим*) оз ва маъноли қилиб сўзлар, хотинлар билан муомаласини бошқа отинби билардек юқоридан туриб қилмас, содда ча сўхбатлашар эди.

Перефраза. Асарда бир қатор сўзлар учрайдики, улар мазмунан кўчма маъно касб этади. Чунончи, «подшоҳ» сўзи ўрнида давлатпаноҳ, шаҳриёр, аълоҳазрат, қиблайи олам, соҳибқирон сингари сўзлар ишлатилган бўлса, «ота» сўзи ўрнида қиблагоҳ, бузургвор, «она» сўзи ўрнида волида, «аёл» ўрнида заифа, «зиндан» ўрнида мозор, дўзах, «золим» ўрнида бағритош сўзлари қўлланиб, янги маъно касб этган.

«Кўкнинг фонуси» бирикмаси эса ой маъносидаги қўлланган:

Сен ҳам бир оз кечикибсан, кўкнинг фонуси!

Душман мени енголмасди, чиқсанг олдинроқ.

«Белимиз синди» ибораси орқали хонавайрон бўлиш, қашшоқлашиш маъноси берилади: *Бошпанамиз тўзиз кетди, синди белимиз?*

Символ. Бу усул асарда Улуғбекнинг подшолик тожини бошидан олиб, олтин баркашга қўйиш эпизодида кўриниб, бу Улуғбекнинг подшолик лавозимидан воз кечиш маъносини билдиради:

*Амир Темур ҳимматидан Улуғбек сўзим:
Мамлакатнинг оромини назарда тутиб,
Низоларга барҳам бермоқ нияти билан...
Қарор қилдик: Амир Темур пойтахтида биз
Унинг бизга мерос қўйиган олтин тожини
Бошимиздан билкуллия олиб қўймоққа!*

*(Бошидан олтин тожни олиб маҳрам тутган
олтин баркашга қўяди.)*

Шунингдек, 2- парданинг 2-кўринишидаги ҳемаркада Улуғбекнинг Тошкент исёнини бостириб келгандан сўнг қиличини камаридан ечиб, уни қўлида ҳасса шаклида ушлаши ва дубулғасини олиб, дастор кийиши ҳам мамлакатнинг энди бундан буёнги тинчлиги ва осойишталигининг рамзи ҳисобланади: 'Улуғбек қиличини белидан ечиб олиб, қўлига асо тутади. Чакмонини ечиб тўн кияди, дубулғасини кўтариб бошига мударрис дасторини қўяди.

Аллегория. Қочириқ, киноя, кесатиш маъносини ифодалашда аллэгерия усули кенг қўлланилади. Асарда Пири Зиндонийнинг Улуғбекка қаратса айтган диалоги кинояга мисол бўла олади:

*Эшишганман, ўта кетган фозил экансиз,
Аммо асли шоҳ ўғлисиз, шу учун ҳар дам
Кўзингизни қамаштирас тож ялтироғи.*

Апострофа. Бу усул ҳам жонлантиришнинг бир тури бўлиб, жонсиз нарса ёки мавҳум тушунчага жонли нарсадек мурожаат қилинади:

*Дунё, дунё, бевафосан, биламан сени,
Аммо сенга ёмон фарзанд эмас эдим-ку!
Ёруғ кунда, баҳт айёми, мени ёд айла.*

Хайр сизга, шўх юлдузлар, сенга ғамли ой!

Антитета. Бу усул бир-бирига зид тушунча ва фикрларни баён этади:

*Сиз одамга ўхшайсизу, одам эмассиз.
Ҳатто нодон бўлсан ҳамки, чин доноликка
Қистаётган ғамхўримиз, у фариишта ким ?*

*Соя бўлиб соянгдаги ерни билмасанг,
Бу — сultonлик вазифасин унутмоқликдир.*

*Бир ёстиққа бош қўйилди, юраклар-чи: ёт
Хотирласам, мени босар хижолат, уят.*

Ундан кейин тож даъвоси нарида турсин,

Саройга ҳам йўлиқтирмаи қўяди сени.

Биринчи мисолда «одам» ва «одам эмас» бирикмасидан англашилаётган «маҳлуқ», «ҳайвон», иккинчи байтда «нодон» ва «донолик», учинчи байтда «соя», яъни подшолик ва «ер», тўртинчи байтда «ёстиққа бош қўйиш», яъни турмуш қуриш ва «юракларнинг ётлиги», бешинчи байтда эса «тож даъвоси» ва «саройга йўлиқтирмаслик» бир-бирига қарама-қарши қўйилган.

Оксиморон усули икки антонимик тушунчанинг бирикувидан иборат нутқ шакли бўлиб, асарда қуйидагича учрайди:

Бу ер гўрдан фарқи йўғу, аммо гўрда ҳам тирик одам яшар экан.

Эллипсис. Бу поэтик синтактик фигуralардан бири бўлиб, матнда осонгина билиб олинадиган сўзнинг атайлаб туширилишидир. Бунда кўпроқ гапнинг кесими туширилиб қолдирилади: *Бемаҳалда шунча ташвииш, шунча изтироб?*

Аҳ-ҳа тузоқ. Бир кишига қарши бир лашкар!

Оқпадарнинг қўрқоқлиги шундан ошкор!

Бу мисолдаги кесимлар туширилган. Асар ремаркасида ҳам кўп ҳолларда кесимлар туширилади: *Самарқанд атрофида қишилоқ, номозгар вақти. Гира-шира қоронги. Куз фасли. Ота Муроднинг ҳовлиси.*

Жим қолиш приёми эллипсиснинг бир тури бўлиб, унда ҳам гап охирида сўз ёки сўзлар гуруҳи ёзувчи томонидан атайлаб туширилади: *Ва лекин сал оғзи бўшилик қилсангиз ... тамом!*

Бу мисолдаги уч нуқта ўрида «ишимиз», «барчаси» каби сўзлар келтирилмаган бўлса-да, ўқувчи сўзловчи мақсадини осонгина тушуниб етади.

Риторик сўроқ усули асарда жуда кенг қўлланган бўлиб, китобхон шу сўроқнинг ўзидан жавобини ҳам топади:

*Қизнинг ўзи йигит билан тил бириттириб,
Ўзи хоҳлаб қочган бўлса, хўш, кимда гуноҳ?*

*Энди айтинг инсоф билан, Мирзо Улугбек,
Нечук бўлмай бобонгизга ўзим даъвогар?*

*Шу балони даф этгали, қиблайи олам,
Юқоридан фармойишни кутмоқлик шартми?*

Бу риторик сўроқли байтларңинг биринчисидан «ҳеч кимда гуноҳ йўқ», иккинчисидан «ўзим даъвогар бўламан» ва учинчисидан «юқоридан фармойишни кутмоқлик шарт эмас» каби жавоблар англашилади

Риторик ундов ҳам ҳис-ҳаяжон, хитоб мазмунига эга бўлиб, унда оҳанг асосий ўрин тутади ва соф риторик ундов ҳамда савол аралаш риторик ундовга бўлинади.

Соф риторик ундов ҳис-ҳаяжон, хитобдан иборат бўлади:

*Шу Ватанда шаҳид бўлмоқ олий саодат.
Хайр, сизга шўх юлдузлар, сенга ғамли ой!*

Савол аралаш риторик ундов «қаёқда» модал маъноли сўроқ олмоши ва -ку юкламаси орқали юзага чиққан:

*Давлатпаноҳ, муҳтасиблар уруғи боркан,
Олмаларнинг уруғига гуллаш қаёқда? ! ..*

*Дунё, дунё, бевафосан, биламан сени,
Аммо сенга ёмон фарзанд эмас эдим-ку!*

Боғловчили ва боғловчисиз боғланиш. Шоир нутқда кескинлик, шошилинч, тезлик киритиш мақсадида, асарда ўюшиб келган бир қатор сўз ва сўз бирималарини боғловчили ва боғловчисиз ҳолда баён этган.

Боғловчили боғланиш «-у», «ва» боғловчилари орқали юзага чиқиб, оҳанг кескинлиги бирмунча суст бўлади: *Эй-воҳ! Энди етим қолди аҳлу маҳрифат. Мадрасага ва расадга етмагай завол.*

Боғловчисиз боғланишда эса кескинлик, тезроқлик, юқори даражада бўлади:

*Шубҳа — бошқа, далил — бошқа, хулоса — бошқа!
Васвасалар шайтонга хос, умид — инсонга! ..*

Мустақил ишлаш учун топшириқлар

1-топшириқ.

Аҳмад Яссавий шеъридаги тушунилиши қийин сўзлар луғатини тузиб, маъносини аниқланг.

... Дунё менинг деганлар, жаҳон молин
ОЛҒОНЛАР,

Каркас қышдек бўлубон ул ҳарамға ботмишлар.

Мулло, муфти бўлғонлар ёлғон даъво

ҚИЛҒОНЛАР,

Оқни қаро қилғонлар ул томуғга кирмишлар.

Қози, имом бўлғонлар, ноҳақ даъво қилғонлар,

Ҳимор янглиғ бўлубон юқ остида қолмишлар.

Ҳаром еган ҳокимлар, ришва олиб еганлар,

Ўз бармоқин тишлабон қўрқуб кўруб

қолмишлар.

Тотлиғ-тотлиғ еганлар, турли-турли кийганлар,
Олтун таҳтда ўлтурғонлар туфроқ аро ётмишлар.

Мўмин қуллар, содиқлар сидқи бирла турганлар,
Дунёлиғин сарф этиб учмоқ ҳурин қучмишлар.

2-т о п ш и р и қ .

Носириддин Бурҳониддин ўғли Рабғузийнинг «Луқмон ва унинг хожаси» ҳикоятидаги эски сўзлар ва грамматик шаклларни аниқланг. Уларни ҳозирги мұқобили билан қиёсланг.

Луқмони ҳакимнинг хожаси бир кун айди: «Яхши эт келтургил, еяйин».

Луқмон бир қўй ўлтурди, тилини, юракини пишуруб келтурди. Яна бир кун хожаси айтди: «Манга қўйнунг ямон этларидин пишуруб келтургил», теди. Луқмон яна қўйнинг тилин, юракин пишуруб келтирди.

Хожаси айди: «Яхши эт келтур тесам, тил, юракни пишуруб келтуурсан; ямон эт тесам ҳам муни келтуурсен?»

Луқмон айди: «Қўй этининг яхшиси ҳам тил тақи юрак турур, ямони ҳам тил тақи юрак турур» теди.

3-т о п ш и р и қ .

Сайфи Саройи шеъридаги маъноси қийин сўзларни аниқлаб, луғатини тузинг. Ӯхшатиш ва такрор усулларини кўрсатинг.

Топилмас ҳусн мулкинда санга тенг бир қамар

манзар,

На манзар, манзари шоҳид, на шоҳид шоҳиди

дилбар.

*Бу күн Юсуф жамолини қилубдур ҳақ санга
бахшиш,
На бахшиш бахшиши давлат, на давлат давлати
мафхар.*

*Сүзүнг дурру жавоҳирдур кўнгуллар ганжина
лойиқ,
На лойиқ лойиқи хисрав, на хисрав хисрави
кишвар.*

*Шакардан тотлудур хулқинг, карамда хотиринг
матлаб,
На матлаб матлаби маъдан, на маъдан маъдан
жавҳар.*

*Зиҳи давлатлу ошикум санинг бирлан қилур
ишрат,
На ишрат ишрати жаннат, на жаннат жаннати
кавсар.*

*Бу ҳуснинг шавқи завқини кўнгил тўтилари
топди,
На топди топди хуш лаззат, на лаззат лаззати
шаккар.*

*Жамолинг нақшина Сайфи Саройи боғлади
сурат,
На сурат сурати ҳасно, на ҳасно ҳусни
жонпарвар.*

4- топшириқ.

Лутфийнинг «Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма» ғазали билан Бобораҳим Машраб тазминини ўзаро қиёсланг. Мажозий сўз ва бирикмаларнинг луғавий маъносини аниқланг.

*Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

*Ҳижрон кечаси чархи фалакка етар, эй моҳ,
Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

*Ҳаққоқи қилич келса бошимга эшикингдин,
Йўқтур гўзарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

*Усрук кўзинг ашколина ҳаргах назар этсам,
Қолмас хабарим, хоҳ инон, хоҳ инонма*

*Яъқуб бикин кўп йиғидин қолмади сенсиз,
Нури басарим, хоҳ инон хоҳ инонма.*

Ой юзунга күз солғали ўзга киши бирла,
Йұқтүр назарим, хоҳ инонма.
Ишк ўтида Лутфий юзи олтунни ёшурди,
Эй сиймбарим, хоҳ инон хоҳ инонма.

* * *

Сенсан севарим, хоҳи инон, хоҳи инонма,
Қондур жигарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.
Ғам шоми фироқингда қабоб этди фалакни,
Оҳи саҳарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.
Ногоҳ сари күйинг аро бўлдим сенга мойил,
Эй тожи сарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.
Лаълинг ғамидин кўнглум эрур ғунчалари қон,
Гулбарги тарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.
Заҳри ғами ҳажринг мени ўлдургали етти,
Эй лаб шакарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.
Машраб каби кўйининг бўлуб барқи тажалли,
Қолмай асарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.

5-т о п ш и р и қ .

Алишер Навоийнинг «Қаро кўзум» шеърини луғат асосида қаторма-қатор ҳозирги адабий тилга ўтказинг.
Сўзларнинг қайси тил унсури эканлигини аниқланг.

Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум каби ватан қилғил.
Юзунг гулуга кўнгул равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолиға жон гулшанин чаман қилғил.
Таковарингга бағир қонидин хино боғла,
Итинга ғамзада жон риштасин расан қилғил.
Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,
Хамир этиб яна ул тоғда кўҳкан қилғил.
Юзунг висолиға етсун десанг кўнгулларни,
Сочингни боштин аёғ чин ила шикан қилғил.
Ҳазан сипоҳиға, эй боғбон, эмас мониз,
Бу боғ томида гар иғнадин тикан қилғил.
Юзиди терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени,
Гулоб ила юву гул баргидин каған қилғил.
Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,
Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил.

6- топшириқ.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур рубоийларидағи ҳозирги ўзбек адабий тилидан фарқ қилувчи грамматик шаклларни аниқлаб, уларга изоҳ беринг.

Ким ёр анга илм толиби илм керак,
Ўргангали илм толиби илм керак.
Мен толиби илму толиби илме йўқ,
Мен бормен илм толиби, илм керак.

* * *

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.
Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.

* * *

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.
Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади, оҳ,
Ғурбатда севинмас эмиш, албатта киши.

* * *

Толеъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ераб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

* * *

Даврон мени ўткарди сару сомондин,
Айирди бир йўли мени хонумондин.
Гаҳ бошима тож, гаҳ балойи таъна,
Неларки бошимға келмади даврондин.

7- топшириқ.

Махмурнинг «Ҳапалак» шеъридаги кўчма маъноли сўзларни изоҳланг, тушунилиши қийин бўлган сўзлар луғатини тузинг, уларнинг қайси тил унсури эканлигини аниқланг.

Эй жаҳондори зафар, кавкабаи даври фалак,
Гўши қил қиссаи қишлоғи ҳароби Ҳапалак.

Турфа қишлоғи ғазаб кардаки паррандалари,
Товуғи — игначию, ўрдагу ғози — капалак.

Бору йўқ уйларини бандада баён гар қилсан,
Бир катак, икки кана, уч олачук, тўрт каталак.

Дема уй, балки заминкантур агар кирса киши,
Хар тараф бетига ургайлар анинг кўршапалак.

Халқини кўрсанг агар ўласи-ю, қоқу хароб,
Очлиғидин эгилиб қомати мисли камалак.

Ажириғ томирини ўғурда майда туюб,
Қайнатиб кунда ичар, отини дерлар сумалак.

Йўргагида онаси ул ўраган латталари
То ҳануз устидадур, уч мингу юз етти бўлак.

Гар таҳорат қилса қавми сув тополмай ночор,
Бетини қум била юб(кўзи)га сургай гувалак...

Кечак гёё эшишиб шуҳрати тилло пулини,
Ҳапалак қўрқусидин учди мисоли капалак.

Ҳимматинг йўлида бир тепа каромат қилғил,
Капалак боз қўниб, жойига бўлғай Ҳапалак.

Зор Махмур талаб қилди кечишни шоҳдин,
Ҳапалак юртига тушган пул агарчи лак-лак.

8-т о п ш и р и қ .

Аваз Ўтарнинг «Халқ», «Уламоларға» шеърларида-
ги тушунилиши қийин сўзлар луғатини тузиб, алфавит
тартибиға ўтуширинг. Фразеологик бирикмаларнинг
маъносини аниқланг.

Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора ҳалқ,
Зулм тийғи бирла бўлғон бағри юз минг пора
ҳалқ.

Бир неча авбош бунда ҳукмронлиғ айласа,
Қолмагай, оре на янглиғ меҳнату озора ҳалқ.

Не аларда бор дурур илму адолатдин асар,
Не ажабким, топмаса доди дилига чора ҳалқ...

Бўлмайин онларда ҳеч миллат, ватани
сақламоқ,

Бўлди қурбон бу сабабдин миллати ағёра ҳалқ.

Ҳалқ оламни бори айлар тараққий кун-бакун,
Биз танааззул айлабон қолдуқ, эдук не қора

ҳалқ.

Кўзларин оҳиста-оҳиста агар очса замон,
Эй Аваз, бўлмас бунингдек борҳо овора ҳалқ.

Эйки сизлар, то таассуб бирла даврон
этдингиз,

Миллати мазлума аҳволин паришон этдингиз.

*Бирингиз қози, бирингиз азламу муфти бўлиб,
Бу не ойин эрдиким, сизлар намоён этдингиз.*

*Бизни айлаб хору зору нотавон этмак учун,
Бермайин осори ҳурлик, банди зиндан*

этдингиз...

Йўқса одаммиз, очиб мактаб, илм

бидирсангиз.

Бехабар илму ҳунардин бизни ҳайвон

этдингиз,

Бир куни сўргай Аваздек уйғониб аҳли замон:

Не учун миллатни сиз ер бирла яксон

этдингиз?

9-т о п ш и р и қ .

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Ўзбек хотин-қизларига» шеърини умумлисоний таҳлил қилинг.

Келди очилур ҷоғи, ўзлигинг намоён қил,

Парчалаб кишанларни, ҳар томон паришон

қил.

Мактаб анжуман борғил, унда фикр очиб гоҳи.

Илму фан тифи бирлан жаҳл бағрини қон

қил.

Сояларда сарғайган юзларинг қилиб гулгун,

Сен ҳам аҳли дошишлар базмини гулистон

қил.

Чўриликтни муллалар, сенга қилдилар тақрир,

Кел, бугун бу заҳмингга маърифатни дармон

қил.

Оналик ҳуқуқинги ҳурмат этмаганларни,

Юзларин қаро айлаб, феълидан пушаймон

қил.

Ой юзинг қаро чиммат зулмидан қутултириғил,

Чиқ қоронғи турмушдан, нур ичида жавлон

қил.

Сен қачон маорифнинг даргоҳига йўл топсанг,

Нурларин олиб кўзга сурмаи сулаймон

қил.

Абдулла Авлонийнинг «Тулки ила Қарға» эртагидаги қийин сўзлар луғатини тузинг. Ҳозирги ўзбек адабий тилга нисбатан фарқланувчи шаклларни изоҳланг.

ТУЛКИ ИЛА ҚАРҒА

Бир куни оч қолиб эди Тулки,
Очлигиндан толиб эди Тулки.
Неча хил ҳийлаларни ўйлар эди,
Очлигин ўз-ўзига сўйлар эди.
Ҳеч киши етмас эрди додига,
Бир қизиқ ҳийла тушиби ёдига...
Бир чинорда бор эрди Лаклак ини,
Учта ёш боласи бор эрди ани.
Тулки қурди у доми тазвирин,
Ишлатур бўлди ҳийла-тадбирин.
Олди арра-тешасин кўтариб,
Кесмоқ учун чинор тубига бориб,
Лаклакка айди: — «Эй, узун бўйлук!
Бизни ерда бўлурмусан ўйлук?
Бу дараҳт, ер мерос менга отадан,
Ўзга жойида ин қуриб ётасан.
Кет бу ердан, бўлак ердин сол,
Мен кесарман чиноримни алҳол.
Лаклак айтди: — Биродаржоним,
Ҳолима раҳм айла, жононим.
Бузуб уйимни, қилмагил гирён,
Уни йикқанлар бўлур хонавайрон.
Марҳамат қил бу ёш гўдакларима,
Монеъ ўлма бутун тилакларима.
Бир боламни берай, ебон тўйғил,
Хонавайрон қилмай тинч қўйғил.
Бир боласини Тулкига отди,
Бўлди маъюс, қай(*F*)уга ботди.
Тулки қорнини тўйғазиб кетди,
Ҳийла бирлан муродига етди.
Қарға воқиғ әди бу ишлардан,
Лаклакка ўргатай деди бир фан:
— Хўб узундур бўйингу ақлинг оз,
Қишига йўқ тоқатинг, тилассан ёз.
Тулкининг кориму ўтиң кесмоқ,
Шунга ҳам етмас ақлинг, эй аҳмоқ.
Йўқға бир бола айладинг қурбон,

*Бефаросат, тушунчасиз, нодон.
Қарғанинг сўзлари қилуб таъсир,
Билди, Тулки сўзлари экан тадбир.
Эртаси келди ҳийлагар Тулки,
Тамаъ қўзғалуб чу аввалги,
Яна ости чинорга етди,
Кет дебон Лаклакка хитоб этди.
Лаклак айтди: — Йўқол, аё хоин!
Ишлат ҳийлангни, сен билуб жойин.
Қарғанинг панд берганини билди,
Очлик бағрини яна тилди.*

*Ҳийласин Қарға сарига бурди,
Қарғани тутмоға тузоқ қурди.
Бир баланд ерда ётди ўлгандек,
Қўзларин юмди мурда бўлгандек.
Қарға тулкини ўлук гумон айлаб,
Қўнди бошининг устига пойлаб,
Чўқимоқчи бўлиб энди кўзини,
Ҳийлагар тулки ташлади ўзини.
Доди фарёдига назар солмай,
Қарғани тулки бошлиди ямлай.
Қарға чиндан ўларин билди,
Бу-да бир яхши ҳийлани қилди.
Тулкига: — Эй, биродаржоним!
Сенга бўлсун ҳалол эту қоним.
Бу байтни ўқуб, егил гўшитим,
Бу васиятни сенга мен қўшитим:
«Беватан, бегўру кафан Қарға,
Лаклак(к)а яхшилик эдан Қарға!»
Тулки бу байтни ўқумоқ учун*

*Шавқ ила йиғди танда бор кучин:
«Беватан, бегўру кафан Қарға,
Лаклак(к)а яхшилик эдан Қарға!»
Тулки «Қарға» деганда оғзин очиб,
Ўқ каби Қарға чиқди-кетди қочиб.
Тулки ҳайронда қолди ақли шошуబ,
Бўлди ҳижрон бўғумлари бўшашиб.
Ҳийлада мендан ўтди Қарға дебон,
Ўкунуб, хурсунуб еди пушмон.
Қарға мақсад-муродига етди,
Ҳийлагар Тулки оч қолуб кетди.*

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Матнинг лисоний таҳлили ҳақида	5
Матншунослик, палеография ва матн таҳлили	9
Тил ифода воситаларининг матн тузилишидаги аҳамияти	9
Бадиий нутқнинг турлари	10
Ремарка ва реплика	13
Тасвирий воситалар бадиий матнни ҳосил қилувчи асосий восита сифатида	14
Лексик воситалар	14
Услубий воситалар	18
Троплар	19
Фигуралар	40
Луғат устида ишлаш	52
Бадиий асар луғатини тузиш намунаси	54
Шеърий асар таҳлили	57
Насрий асар таҳлили	60
Драматик асар таҳлили	64
Мустақил ишлаш учун топшириқлар	78

ИЧИХАТ ИНСОНИ ГУЛАМ АЛИМОВАЙ

БОТОВАДИЙ МАССАДА
ГУЛАМ АЛИМОВАЙ
СЕМАНАНГИ ЧАҲАРДАРДИ
АҲАДИДИ

САДДИҚИ

Этот же вид национальной литературы, как и в других странах мира, имеет свою специфику. Важнейшим ее признаком является то, что в трудах по национальной литературе неизменно присутствует элемент политической и социальной направленности. Это обстоятельство определило тематику и содержание большинства произведений. Важно отметить, что в национальной литературе Киргизии, как и в других странах Центральной Азии, преобладают произведения, связанные с политической и социальной жизнью общества. Важно отметить, что в национальной литературе Киргизии, как и в других странах Центральной Азии, преобладают произведения, связанные с политической и социальной жизнью общества.

ЖАВҚОН ЛАПАСОВ
БАДИЙ МАТН ВА ЛИСОНИЙ ТАҲЛИЛ

Муҳаррир *Х. Ҳайитметов*
Бадиий муҳаррир *Т. Қаноатов*
Тех. муҳаррир *Ш. Бобохонова*
Мусаҳҳиҳ *Ш. Тўлаганов*

ИБ № 6533

Теришга берилди. 11. 07. 94. Босишга рухсат этилди 17. 02. 95.
Формати $84 \times 108^{1/32}$. Литературная гарнитураси. Юқори босма
усулида. босилди. Шартли б. л. 4, 62. Шартли кр.— отт. 4, 83.
Нашр. л. 4, 59. Тиражи 8.500. Зак. № 5.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома
№ 13—75—94.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл ижара ки-
тоб фабрикаси, Янгийўл ш., Самарқанд кӯчаси, 44. 1995.